O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 3 февраль, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 10 (7309)

Қибрай манзараси

«ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ»

МАСЛАҲАТ КЕНГАШИНИНГ ТАЪСИС ЙИҒИЛИШИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ёшлар масалаларига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида Ватанимизнинг буюк келажаги тўғрисида жон куйдирувчи фуқароларимиз олдига фарзандларимизни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, йигит-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, ўз ақл-заковати, куч-қудратини тўла намоён этиш учун зарур шарт-шароитларни ташкил этишдек масъулиятли вазифани қўйди.

Юртимизда кенг қулоч ёя бошлаган Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини таъсис этиш жараёни бу ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга чин дилдан амалий ёрдам бериш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Айнан шу вазифалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат Кенгашининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳаётий тажрибаси ва обрў-эътибори билан юртимизда танилган, ёшлар турмуш тарзини яхши биладиган, уларнинг қалбига йўл топа оладиган сиёсатчилар, иқтисодчилар, маънавий-маърифий соҳанинг етакчи намояндалари ва ёшлар тарбиясига алоқадор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилиш қатнашчилари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббус гуруҳи мақсад ва вазифалари борасида фикрлашдилар.

Маслаҳат Кенгашининг Низоми ва иш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсади билан чиққан ҳомий ташкилотлар рўйхати ҳам йиғилиш иштирокчилари томонидан тасдиқланди.

Ёшларнинг бу ижтимоий ҳаракати ишига маънавий ва моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатишни истаган барча ташкилотлар учун унинг эшиклари доимо очиқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

(ЎзА)

КАМОЛОТ САРИ ИЛК ҚАДАМ

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишнинг биринчи босқичида тумандаги мактабгача таълим муассасаларида маънавий эскирган адабиётлар, ўйинчоқлар, кўргазмали қуроллар ва машғулот ишланмаларидан воз кечган ҳолда ўзимизнинг миллий-минтақавий, мурғак қалбларнинг оиладаги тарбиясига мос, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини тўғри белгилашига кўмак берадиган, йўналтирадиган воситалар ва қўлланмалар яратиш бўйича талайгина ишлар амалга оширилди.

Истиқбол режанинг биринчи босқичи бажарилиши юзасидан дастлабки хулосаларни чиқариб, иккинчи босқич режасини белгилаб олдик. Яқинда туманимиздаги 54 та болалар боғчаларида III босқичда ўн битта йўналиш бўйича кўрик-танлов ўтказилишини эълон қилдик. Болалар боғчаларининг машғулот ишланмалари кўрик-танлови; мантиқий ривожлантирувчи ўйинлар кўргазмаси кўрик-танлови; мантиқий ривожлантирувчи ўйинчоқлар кўргазмаси шулар жумласидандир.

Мазкур кўрик-танловнинг икки йўналиши бўйича туман мусобақаси бўлиб ўтди. Намунали деб топилган ишлар Бенков номли тасвирий фаолият лицейида "Ўйин ва ўйинчоқлар" кўргазмасида намойиш қилинади.

Мактабгача таълим бўлими қошида "Камолот сари илк қадам" шиори остида қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Жумладан, Оналар ва болалар йилига бағишлаб "Ёш оналар маслаҳатгоҳи" ташкил қилганмиз. Маслаҳатгоҳ шанба кунлари фаолият кўрсатади. Маслаҳатгоҳда бўлим услубчиси бошчилигида болалар шифокори, дефектолог, туман хотин-қизлар қўмитаси тавсияси билан намунали, кўп болали оналардан иборат қўмита иш олиб бормоқда. Ёш оналар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишлари, бола тарбияси ва унинг саломатлиги, оилани мустаҳкамлаш каби турли мавзуларда маслаҳат олишлари мумкин. Мазкур қўмита аъзолари вақти-вақти билан жойлардаги болалар боғчаларига ҳам ташриф буюриб, болалар қайси

(Давоми 3-бетда)

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



ЭЪТИРОФ

Амударё туманидаги "Юлдуз" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган пахта толаси "Европа Арки" халқаро олтин медалига муносиб деб топилди. Мадриддаги сифат ва технология бўйича халқаро қўмита мукофоти шу йил 5 мартда ушбу жамиятга топширилади.

ХОЛИС САВДО

Урганчда ўтказилган савдо ярмаркасида харидорлар кўп имкониятларга эга бўлди. Истеъмолчилар 130 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ичидан ўзлари учун энг арзон ва сифатлиларини танлаб, шу куннинг ўзида ярим миллиард сўмлик шартномалар қайд этилди.

МАЖЛИС

Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда 2000 йил якунлари ва 2001 йилга мўлжалланган вазифалар муҳокама этилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, комиссия раиси Р.Азимов бошқарди.

КЎРГАЗМА

Самарқанддаги Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва тарихи республика музейида "Дунё Мальта болалари нигоҳида" мавзуида кўргазма очилди. Унда Мальта ороли болаларининг 85 та асари намойиш этилди. Суратларда XXI асрда тинчликни сақлаш, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш ғоялари акс этган.

«Меҳмонхона»
Қўшиқларим фарзандларимизни тарбияласин дейман
5-бет

Сибирдан қочган ҳожи
9-бет

Шифокор журналистнинг китоби
10-бет

Нобел мукофоти соҳиблари
13-бет

«Алишер Навоий йилномаси»
16-бет

Боғчаларда фаолият юритадиган бундай тўгараклар, ўз навбатида, болаларни илк ёшларданоқ галдаги, бугунги давр талабига кўра ташкил этилаётган мамлакатимиз ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракатига қўшилишида муҳим бир босқич бўлур эди.

КАМОЛОТ САРИ ИЛК ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

жиҳатдан ривожланишда оқсаётганлиги ҳақида фойдали маслаҳатлар, кўрсатмалар бериб борадилар.

Шунингдек, "Фарзандлари соғлом юрт қудратлидир" мавзусида спорт фестивали ўтказишни режалаштирганмиз. Мазкур тадбир февраль-март ойларида боғчаларда, намунали деб топилган боғчалар шўъбаларда, шўъба ғолиблари эса 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида туман миқёсида ўтказиладиган фестивалда қатнашадилар. Йил якунида ҳар бир тадбирнинг намунали иштирокчиси, ("Энг яхши мураббий", "Энг яхши спорт тўгараги раҳбари" каби) рағбатлантирилади.

Мактабгача таълим муассасаларида "Камолот сари" тўгараги ташкил қилинишини таклиф қиламан. Боғчаларда фаолият юритадиган бундай тўгараклар, ўз навбатида, болаларни илк ёшларданоқ галдаги, бугунги давр талабига кўра ташкил этилаётган мамлакатимиз ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракатига сингишиб кетишида муҳим бир босқич бўлур эди. Тўгаракда болалар онгига миллий ғурур ҳиссини, ўз-ўзини англай билишни сингдириб, буюк ота-боболаримиз тарихини ўргатишимиз керак. Болалар ҳуқуқий билимга онгли равишда эга бўлгандагина бунга эриша оламиз. Бунинг учун эса фақат интилиш керак. Кимлигини билиб яшайдиган, Ватан равнақи йўлида бор билим ва куч-ғайратини аямайдиган, мустақил фикрлаб, уни теран изоҳлаб бера оладиган болаларни тарбиялашимиз лозим.

Шаҳзода ШУКУРОВА,
Акмал Икромов туман ХТБ мактабгача таълим бўлими бошлиғи,
халқ таълими аълочиси



Бугун барчада тестга қатъий ишонч шаклланди. Синовлар, айниқса, компьютерда олинса — янада яхши.

Суратда: Тошкент шаҳридаги 105-мактабда физика фанидан жорий назорат тест усулида компьютерда олинаётган пайт.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МАТБУОТ ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

Миллий матбуот марказида "Муассасалар матбуот хизматлари фаолиятининг асосий тамойиллари" мавзуида анжуман ўтказилди.

Мамлакатимиздаги турли вазирликлар матбуот котибларининг атиги 38 фоизини журналистлар, қолган фоизини эса шифокорлар, муҳандислар, физиклар ташкил қилади, деди Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Рустам Жумаев анжуманда сўзга чиқиб. Ачинарлиси шундаки, матбуот котибларимизнинг 45,5 фоизи рус ва турк тилини, 5 фоизигина инглиз тилини билишаркан. Чет тилларини билмайдиган матбуот котиблари қандай қилиб хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин? 7,8 фоиз котиблар доимий равишда интернетдан фойдаланиб иш юритса, 60-70 фоизи бу борада ишлашни билмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати, Миллий матбуот маркази ҳамда журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда вазирликлар, идоралар, йирик корхоналар, жамоат ташкилотлари фаолиятидан жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиш, оммавий ахборот воситалари билан алоқалар борасида тўпланган тажрибаларни оммалаштириш, соҳа ходимлари малакасини оширишга кўмаклашиш масалалари кўриб чиқилди.

Анжуманда таъкидланишича, вазирликлар, идоралар, йирик корхоналар ҳақидаги мақолалар матбуотда кам чиқяпти. Сабаби, матбуот котибларимиз журналистларга ўз вақтида керакли ахборотларни бермаслигидадир. Шунинг учун матбуот котиблари ўртасида доимий семинарлар ўтказиш, матбуот клубларини ташкил қилиш лозим. Бу борада ишлаётган ёшлар 30-40 фоизни ташкил қилади. Уларнинг ижтимоий аҳволлари, уларни қийнаётган масалалар, муаммоларни ўрганиб чиқиш зарур.

"Туркистон-пресс"

СИЗДАЙЛАР КЎП БЎЛСИН ДУНЁДА

Ўзбек халқи азал-азалдан саховати, бағри кенглиги билан ном қозонган. Айниқса, қадимдан маънавият ўчоғи бўлган Самарқанд доимо илму маърифатга интилувчи фозил ва фозилалар юрти сифатида дунёга танилган.

Самарқандда вояга етган кишилар кейинчалик қайси жойда умргузаронлик қилишмасин, доимо ўз она диёрининг ютуқларидан қувониб, шу ерликларга яхшилик тилаб яшайдилар. Боиси шу замин қуёши, ҳавоси, суви билан вужудига сингган меҳр-оқибат бўлса ажабмас.

Saxovat

Бугунги кунда Москва вилоятининг Королёва шаҳрида адвокат бўлиб хизмат қилаётган юртдошимиз Зулфия Нугумонова онаси Саида Шарипова хотираси учун ўз жамғармасидан 60 минг сўм миқдорида маблағ ажратиб, бу маблағни шаҳардаги 1-физика-математика лицейининг иқтидорли ўқувчиларини рағбатлантиришга сарфлашни илтимос қилган.

Биз ўз юртидан олисда бўлса-да волидасининг хотирасини ёд этиб, ёшларни эзгуликка, янада яхшироқ билим олишга ундаётган саховатли инсон Зулфия опага омонлик тилаймиз.

Н.ШЕРБОЕВА

ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР РЕСПУБЛИКА X АНЖУМАНИ ОЛДИДАН

Шу йилнинг 22-24 мартида Тошкент шаҳрида "Иқтидорли болаларнинг X анжумани»ни ўтказиш режалаштирилган.

Анжуманда умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тўгарак аъзолари иштирок этадилар.

Ушбу анжуман жойлардаги мактаблар, мактабдан ташқари таълим муассасалари тўгараклари аъзоларининг босқичма-босқич, яъни муассаса, туман(шаҳар), вилоят миқёсида ўтказилган танлов ғолиблари бўлган иқтидорли болаларнинг яна бир бор учрашувига, ўз ишлари, режалари, ютуқ ҳамда камчиликлари борасида ўртоқлашишга имконият яратади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган экология йўналиши бўйича кўрик-танлов ғолиблари республика анжуманида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар ва уларга тегишли йўлланма берилади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг туманидаги, маҳалласидаги экологик муаммолар тўғрисидаги маълумот ва мазкур вазият ечимининг рефератини ўзбек ва рус тилида тақдим этиши лозим.

Ўқувчилар ўз ишларини ҳимоя қилишда экологик лойиҳа, аудио, видео материаллардан, слайдлардан, диаскопдан, фотоматериаллардан фойдаланишлари мумкин.

Анжуманда табиатни муҳофаза қилиш, экология ва инсон саломатлиги, агроэкология ва агробизнес, сув ва ундан фойдаланиш йўналишлари бўйича иш олиб борилади.

"Биоэкосан" ўқув-услубий мажмуаси томонидан жойларга юборилган Низомда ҳар бир шўъбада кўриб чиқиладиган ишлар мазмуни батафсил кўрсатилган.

С.ТЎРАЕВА,
республика ёшларининг "Биоэкосан" ўқув-услубий мажмуасининг катта илмий ходими

МАКТАБНИНГ МЕҲРИБОНИ

Тоғли Зомин туманидаги 40-ўрта мактабга бошқа илм даргоҳларида меҳнат қилаётганлар маълум маънода ҳавас билан қарашади. Боиси, ушбу мактабни оталиққа олган ва ҳомийлик қилаётганларнинг катта эътибори ва меҳрибонлигидир.

Тумандаги Зарбдор ижара ширкатлар бирлашмасига тадбиркор инсон Акмалхон Якубов раҳбар бўлиб келгач, яъни қарийб икки йилдан буён шу ҳудудда жойлашган, бирлашма оталиғида бўлган 40-ўрта мактабга эътибор кескин ошди. Акмалхон ака бунгача бошқа туман ҳудудида "Қодирхон" хусусий фермер хўжалигини ташкил этиб, уни оёққа турғазиб улгурган эди. 2000-2001 ўқув йили давомида ушбу фермер хўжалиги томонидан мактабга қуйидагича ёрдам кўрсатилди: ўтган сентябрь ойидан бошлаб ҳар ойда 25 нафар аълочи ўқувчиларнинг ҳар бирига 500 сўмдан стипендия бериб келинмоқда. Мактаб таъмири вақтида бир миллион сўмлик қурилиш ашёлари олиб берилди. Шунингдек, ўқув жиҳозларидан 100 дона парта ва 10 та ёзув столи олиб берилди. Иситиш тизимини таъмирлаш вақтида эса 20 минг сўм маблағ билан ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари мактабда янги йил байрамида тантаналар уюштирилиб, бошланғич синф болаларининг барчасига бепул совғалар тарқатилди.

Ta'lim homiylari

Булар барчаси бевосита бир саховатпеша инсон бошчилигида амалга оширилаётган ибратли ишлардир. Акмалхон ака ижара ширкатлар бирлашмаси ва фермер хўжалиги имкониятидан келиб чиққан ҳолда яқин кунларда мактаб ҳудудида этикдўзлик устахонаси, сартарошлик хонаси ва тикувчилик цехи ташкил қилиш ниятида эканлигини таъкидлайди. Албатта, бу лардан тушган даромад ҳам мактаб эҳтиёжини қоплашда зарур манба бўлиши, шубҳасиз.

— Туманимизда Акмалхон Якубовдек ҳиммати баланд таълим ҳомийларининг кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳол, —дейди туман халқ таълими бўлими мудири Мурод Йўлдошев. —Бундай кишилар ўз саховатлари билан таълим тараққиётига сезиларли ҳисса қўшмоқдалар.

Биз ҳам орамизда маърифатпарвар ҳомийлар кўп бўлишини, сахий қўллар дард кўрмаслигини истаймиз.

Икром БЎРИБОЕВ

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Маънавият ва маърифат кенгашида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кенг халқ оммаси орасида тарғиб этишнинг долзарб вазифалари" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.

— Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишининг 4-бандида республика Маънавият ва маърифат кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари зиммасига қомусимизни ўрганиш, турли илмий-оммабоп ва бошқа воситалар ёрдамида фуқароларга унинг мазмун-моҳияти, ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб бориш вазифаси юклатилган, — деди республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи Шамсиддин Жумаев "Туркистон-пресс" мухбирига. Дарҳақиқат, Конституциямизни ўрганиш — ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир. Кишиларга қомусимизни ўргатиш учун аввало қулай маърифий шарт-шароит яратиб бериш, содда, равон шарҳлар орқали тушунтириш жамоат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Семинарда Тошкент шаҳри туманлари маънавият ва маърифат кенгашларининг масъул котиблари, жамоат ташкилотлари вакиллари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари директорлари, олий ўқув юртлари ректорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар.

Қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозара билан ўтган семинарда жойларда мазкур мавзуда тарғиботчилар гуруҳларини шакллантириш, уларни керакли услубий қўлланмалар билан таъминлаш масалалари ҳам келишиб олинди.

"Туркистон-пресс"

ЭКОЛОГИЯНИ АСРАШ БУРЧИМИЗ

Яқинда халқаро "Экосан" жамғармасида ўқувчи-ёшларнинг "Болалар, экология ва саломатлик" номли иккинчи республика радиотанловининг якуний босқичи ўтказилди. Асосан "Экосан" халқаро жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, республика радиоси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган танлов 2000 йилнинг март ойида бошланган эди.

Бу танловда ўқувчилар ўзлари яшаётган шаҳар ёки қишлоқдаги экологик шароитлар, табиатда рўй бераётган турли ўзгаришлар, шунингдек, атроф-муҳитни ҳар томонлама асраб-авайлаш учун жойларда қандай ишлар амалга оширилаётганлигини акс эттирувчи иншолар, воқеий ҳикоя, шеър, расм ва фотосуратлар билан иштирок этишди.

Танловда Тошкент шаҳридаги 268-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси З.Бобожонова биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин навоийлик Ноила Бўриевага насиб қилган бўлса, учинчи ўринни ҳам Навоий вилоятида истиқомат қилувчи Гавҳар Хўжамова қўлга киритди.

Беҳбуд БОТИРОВ

МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ

Taqriz

Тарих инсонни истиқболга даъват этади, улкан яратувчанликка рағбатлантиради. Тарихнинг бундай маънавий, маърифий, тарбиявий ва мафкуравий аҳамиятини кўзда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 18 сентябрда эълон қилинган Фармойишига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида "Ўзбекистоннинг янги тарихи" Маркази ташкил этилган эди. Ушбу Фармойишга мувофиқ 1996 йилнинг 16 декабрида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида"ги қарори ҳам эълон қилинди. Бу муҳим тарихий ҳужжатлар халқимиз ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, уларнинг жаҳоншумул аҳамияти ва тарихни сохталаштиришдан озод бўлган, миллий тикланиш ва тараққиёт ғояларига хизмат қиладиган асарлар яратишга илҳомлантирди, бой маданий меросимиз, анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга, Ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган ҳаққоний тарихимизни тиклашни Марказ олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Шу тариқа Марказда Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилди, "Ўзбекистоннинг янги тарихи" уч жилдлик китобини тайёрлаш учун муаллифлар гуруҳлари ва Марказ ходимлари фаол иш олиб бордилар.

Уч йил давомида "Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида" (1865-1917 йиллар) номли биринчи китоб, "Ўзбекистон шўро мустамлакачилиги даврида" (1917-1991 йиллар) номли иккинчи китоб ва "Мустақил Ўзбекистон тарихи" (1991-2000 йиллар) номли учинчи китоб қўлёзмалари тайёрланиб, кенг илмий жамоатчилик назаридан ўтказилди ҳамда билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда учинчи китоб қўлёзмаси қайта ишланиб, Марказнинг ижтимоий-илмий кенгашида атрофлича муҳокама этилгач, нашрга тавсия қилинди.

Учинчи китоб, асосан, мамлакатимизнинг мустақиллик даври тарихини, яъни 1991-2000 йилларни ўз ичига олган. Китобда Ўзбекистоннинг миллий истиқлол йилларида эришган ютуқлари ҳамда бу тарихий даврнинг ўзига хос мўраккаб, зиддиятли жараёнлари, шунингдек, ўтган 9 йиллик даврда мамлакатимиз ҳаётида содир бўлган буюк ўзгаришлар, янгиланишлар, уларнинг тарихий аҳамияти илмий, сиёсий жиҳатдан ўрганилган, тадқиқ этилган.

Муаллифлар таниқли сиёсатшунос олимлар Нарзулла Жўраев ва Турсунбой Файзуллаев Мустақиллик нима, нималарга асосланади ва мазмун-моҳияти нималардан иборат, деган саволларга жавоб излайди.

Китобда мамлакатда янги тарихий шароитларда янги ўзбек миллий давлатчилигига асос солинганлиги ҳамда бу давлатчилик ҳозирги замон жаҳон давлатчилиги илғор тажрибалари ва бир неча минг йиллик тарихга эга ўзбек миллий давлатчилиги анъаналари уйғунлашган ҳолда барпо этилаётгани, шунингдек, ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш ҳамда инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг "Ўзбек модели" вужудга келгани, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам чуқур таҳлиллар, аниқ далиллар ва хулосалар билан ёритилган. Бу китобнинг илмий янгилигидир.

Яна бири янгилик шундан иборатки, китобда илк марта мустақиллик даври тарихи эволюцияси бевосита давлат сиёсати ривожи билан уйғун ҳолда ўрганилган, тадқиқ этилган. Мураккаб ўтиш даврида бош ислоҳотчилик вазифасини зиммасига олган давлат сиёсати, унинг моҳияти, жамиятни бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказиш каби туб ислоҳот жараёнида унинг ўрни ва роли ҳам очиб берилган. Айни пайтда муаллифлар мустақиллик даври тарихи воқеалари ва жараёнларига муносабат билдиришда, уларни илмий, назарий, сиёсий жиҳатдан таҳлил қилишда масалага умуммиллат ва умуммамлакат аҳамияти нуқтаи назаридан ёндашишган. Мустақиллик даври жараёнлари алоҳида-алоҳида соҳалар бўйича ўрганилгани ҳам аҳамиятлидир.

Китоб саккиз боб, 39 мавзудан таркиб топган. "Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши" бобида мустабид советлар тузуми халқнинг сабр косасини тўлдиргани, мамлакат эса бўҳрон ҳолатига тушиб қолгани тадқиқ этилади, тоталитар тузумнинг инқирозга юз тутиш жараёнлари ва уларнинг сабаблари ишончли далиллар билан баён қилинади. Республикалар суверенитети ва инсон ҳуқуқларини поймол қилган тоталитар тузумнинг истиқболи йўқлиги янги жаҳон афкор оммасига ошкор бўлиб қолгани, бу тузумни қандай бўлмасин сақлаб қолишга собиқ марказ кўп урингани ҳам китобда батафсил баён этилади.

Мустақиллик йўлидаги илк дадил қадамлардан бири 1990 йил 24 мартида Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Республика Президенти этиб сайланғани бўлди. Шундан кейин «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисида»ги (1991 йил 30 сентябрь), "Ўзбекистон Республикасининг давлат Байроғи тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки пайтлариданоқ тараққиётнинг "Ўзбек модели" дунёга келиш жараёнлари ушбу бобда ўз ифодасини топган.

Иккинчи боб "Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳотлар" деб номланган. Бунда Олий Мажлиснинг шаклланиши, миллий давлат тизимининг таркиб топиши, айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти тармоқларининг янгича тизими вужудга келгани ва кадрлар тайёрлашдаги янгича тадбирлар кенг баён этилади.

Республика Парламенти—Олий Мажлис илк бор кўппартиявийлик асосида сайланди.

Китобнинг "Мустақил Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси" деб номланган учинчи бобида мустақиллик йиллари Қорақалпоғистон Республикаси эришган иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги ютуқлар таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қорақалпоқ халқига нисбатан кўрсатаётган ғамхўрлиги беқиёс эканлиги таъкидланган. 1994 йил 14 январда Нукусда Марказий Осиёнинг бешта давлат Президентлари учрашувида, 1995 йил сентябрида Нукусда ўтказилган халқаро конференцияда Нукус Декларацияси қабул қилиниб, унда бутун дунё жамоатчилиги эътибори Орол муаммосига қаратилди. 1997 йил март ойида Алматида Марказий Осиё республикалари Кенгаши йиғилишида ҳам мазкур масаланинг қўрилиши фикримизнинг далилидир.

Китобнинг "Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат қурилиши. Фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши" бобида иқтисодий тараққиётда ўз йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикасида ўзига хос янги демократик қадриятлар илдиз отгани, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига хос тузилмалар шакллангани тадқиқ этилади. Муаллифлар республикамизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни, Олий Мажлиснинг демократик тамойилларни ўрнатиш бўйича тадбирлари хусусида фикр юритадилар.

"Сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши" деб номланган бобда мустақиллик шароитида фуқаролар манфаатлари йўлида Республикамиз Президенти Ислом Каримов олиб бораётган инсонпарварлик сиёсати талқин этилади.

Ўқитувчиларнинг давлат ва ташкилотлар томонидан берилган уйлари бепул хусусийлаштирилгани фикримиз далилидир. Аҳолининг аксарият қисми турли имтиёз ва кафолатларга эга бўлди; соғлиқни сақлаш, оналар ва болалар саломатлигини кафолатлаш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатимизда миллий масала адолатли тарзда ҳал этилди. Миллий хавфсизлигимиз шахсан Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мустаҳкамланиб бормоқда.

Китобнинг "Иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос тамойиллари" бобида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган ислоҳотлар тадқиқ қилинган. "Бозор муносабатларига ўтиш—ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир", дейди Президент Ислом Каримов. Шу боис, иқтисодий ислоҳотлар—бозор муносабатларига ўтиш истиқлол учун ҳам, ўзбек халқи учун ҳам синов даври бўлди, десак муболаға бўлмайди.

"Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши" деб номланган еттинчи бобда мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омиллари, маданий меросни ўрганиш, тарихий шахслар ҳурматини жойига қўйиш ҳамда миллий урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш асосида миллий ўзликни англаш ва шу орқали миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш тамойиллари чуқур тадқиқ этилади.

Бу бобни китобнинг етакчи боби, десак янглишмаймиз. Зеро, мустамлакачилик ва советлар истибдоди замонида топталган қадриятларимиз, маданий меросимиз мустақиллик йилларида қадр топди. Жаҳоншумул ишларни амалга ошириб, бой маънавий, илмий мерос қолдириб кетган аждодларимиз муносиб қадр топиб, улар хотираси абадийлаштирилди.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли—тарихий ҳодиса. Ўтган 9 йиллик истиқлол даври онгимизда, тафаккуримизда туб бурилишлар ясагани каби, бутун жамиятимиз ҳаётини ҳам ўзгартириб юборди. Одамларнинг турмуш тарзи, воқеликка муносабати янги мазмун касб этди. Истиқлолнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий қадрияти аслида ана шу тарихий жараён ва янгиланиш ҳодисаси билан баҳоланади.

Ана шундай тарихий янгиланишлар, тарихий жараёнлар ва тарихий ҳодисалар давом этаётган бир пайтда уни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, тадқиқ этиш бугунги кун эҳтиёжидир. "Мустақил Ўзбекистон тарихи" китоби ана шу ҳам ҳаётий, ҳам тарихий эҳтиёж сифатида дунёга келди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик даври тарихини яратиш тадқиқотчидан юксак илмий савия ва кенг дунёқарашга, теран тафаккурга эга бўлган салоҳият ва сиёсий таҳлил маҳоратини талаб этади. Чунки тарихий воқеалар ҳали давом этаётган бир пайтда уни таҳлил этиш орқали аниқ хулосалар чиқариш осон эмас. Бу тарихнависликнинг ўзига хос қийин томони. Айнан шу жиҳатларни эътиборга олиб, муаллифлар тарихий воқеалар ва жараёнларни ёритишда, таҳлил этишда, уларга холисона баҳо беришда масалага ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ақл-идрок йўриғи билан ёндашганлар ва бунга эришганлар. **Бу китобнинг биринчи ютуғи.**

Иккинчи ютуқ шундаки, китоб ниҳоятда халқчил, содда, равон ва илмий-оммабоп услубда ёзилган. Бу эса китобнинг қимматини янада оширган.

Илмий жиҳатдан асосланган фикрлар, тарихий нуқтаи назардан чиқарилган аниқ хулосалар китобхонни ўзига жалб этади. Унинг онги-шуурига тезроқ етиб боради, уни фикрлашга ундайди. Ўқувчи масаланинг мазмун-моҳиятига осонликча тушуниб етади ва ундан тегишли хулосалар чиқариб олади. **Бу китобнинг учинчи ютуғи.**

Хуллас, "Мустақил Ўзбекистон тарихи" китобини ўқиган китобхон мустақиллик йилларида мамлакатимиз босиб ўтган машаққатли, аммо шонли йўлни, бу йўлда Юртбошимиз бошчилигидаги амалга оширилган ислоҳотлар, уларнинг натижаси сифатида Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузининг ортиб бораётганидан огоҳ бўлади.

Наим НОРҚУЛОВ,
Холмурод ХИДИРОВ,
«Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази етакчи мутахассислари

Дунё кўриб қайтган ёшларнинг қараш ва тасаввурлари кенг, хилма-хил. Гап шундаки, улар қаерда бўлишмасин, Ўзбекистон фарзандиман, деган туйғуни асраб-авайлаб, бу юртга ошиққанлар.

«УМИД»: ИШОНЧ, МУНОСАБАТ

ТАЛПИНИШ

1999 йилнинг баҳори. Американинг Чикаго шаҳридаги ғала-ғовур ҳаёт билан хайрлашган ёш ўзбек йигити гўёки қанотларини ёйган бургутмисол киндик қони томган юртга қараб учди. Машойихлар айтмиш: "Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўлгин". Навоийнинг сатрлари хаёлидан кечди: "Олтин қафас ичра гар қизил гул битса, Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш". Шаҳар ораста , сершовқин, биров билан бировнинг иши йўқ. Шуҳрат ҳар лаҳзада бу ерни Тошкент билан солиштирар, олисдаги Ўзбекистон соғинчи унинг юрагини дам-бадам ўртар, битта ўзи учун давлат ғазнасидан сарфланган харажат унинг дилида бурчлилик ҳиссини уйғотарди.

"Умид" жамғармаси раҳбарлари Жон Маршал номидаги Чикаго олий ҳуқуқ мактабининг магистратура босқичини тамомлаб қайтган ёш кадрни расмий хат асосида марказий банкка юборишди. У бу ерда Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетини тамомлагач, озгина вақт ишлаганди. Ҳар қалай ўзига синашта даргоҳ бўлгани учунми, йигит бу ерга бемалол, тортинмасдан кириб келди. Банк раҳбарияти дунёга чиққан йигитдаги дадиллик ва журъатни яхши маънода қабул қилар экан, бундай кадрлар юрт истиқболи учун сув ва ҳаводай зарурлигини биларди.

Шу тариқа "Умид"нинг умидларидан бири ўз фаолиятини бошлади. Банк назоратини ҳуқуқий таъминлаш бўлимида хизмат қила бошлаган йигит Чикагодаги олий ҳуқуқ мактабида эгаллаган билимларини, ундан аввалги тажриба ва малакаларини намоён этди. Тахминан икки ойлар ўтди. Бир ходимнинг ўзини салбий ёки ижобий жиҳатдан кўрсатиши учун бу давр етарли эди. Шуҳрат Ҳайдаров банк раҳбарларининг ўзини юридик бошқарма бошлиғи лавозимига кўтаришлари ҳақидаги таклифини эшитиб, жиндай чўчигандек бўлди. Аммо бу ҳолат тезда ўтиб кетди. Хизмат пиллапоясининг қуйи босқичидан юқориси томон кўтарилиш... Сизга нисбатан ён-атрофдагиларнинг сезгирона муносабатидан бу, бир нишона.

Эндиликда унинг қўл остида 13 киши бор, аксарияти ёшлар. Юридик ҳуқуққа эга барча ҳужжатлар ана шу бошқарма томонидан экспертиза қилинади, сўнгра амалиётга чиқарилади. Ўзбекистонда қанчадан-қанча банклар мавжуд. Уларнинг фаолияти маълум қонунлар доирасида, меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил қилиниши лозим. Ҳар бир қоғознинг ўзи бир амалиёт. Шундай бўлгач, унинг қонуний жиҳатдан пухта ишлаб чиқилиши ва тегишли муассасаларда қўлланилиши талаб этилади.

Инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиши чинакам маънодаги бахт-иқболдир. Иш кунлари бир-бирига ўхшаш тарзда кечаётган ва ўзининг хизмати билан мамлакат ривожига ҳисса қўшаётган Ўзбекистон Марказий банки юридик бошқарма бошлиғи Шуҳрат Ҳайдаров ҳақида ҳеч иккиланмай шу фикрни айтиш мумкин.

"УМИД"ЧИЛАРНИНГ КЕЙИНГИ ТАҚДИРИ

Умид орзу, истаклар жамланмасидир. Унинг аҳамиятини бугундан эмас, эртадан ахтарамиз. Бу туйғунинг бугуни эса қалбда куртак отганидир. Зеро, умид билан яшамоқ одамзотга хос.

Дунёни кўрмоқ умиди ҳар биримизда бор. Аммо бундай имкониятга ҳамма ҳам эга эмас. Хорижий мамлакатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиб қайтаётган замонамиз ёшларига шубҳасиз ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараймиз. Ўз тенгқурларидан бир неча баравар илгарилаб кетган бундай ёшлар давлатимиз миқёсида муҳофазага, ғамхўрликка олинган. Президентимизнинг бевосита раҳнамоликлари остида ташкил қилинган "Умид" жамғармаси (1997 йил 7 январь) юртимиз келажагини мустаҳкамловчи кадрлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги ва бунга кўплаб ёшларни мушарраф этганлиги барчамизга аён. Жамғарма ўз фаолиятини бошлаганидан бери 250 нафар йигит-қизлар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия каби ривожланган давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиб қайтишди. Таҳсил даврида улар ҳақидаги маълумотлар "Акселс" (АҚШ), "Британия кенгаши" (Буюк Британия), "Германия академиклар алмашуви" (Германия), "Халқаро талабалар масалалари бюроси" (Франция, Канада), шунингдек, Япония ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчихоналари орқали олиб турилади. Таътил даврида уларнинг 3-4 ойлик стажировка, яъни тайёргарлик босқичлари уюштирилади. Иқтисод, халқаро ҳуқуқ, информатика ва компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экология, журналистика, муҳандислик, санъат йўналишлари бўйича бакалаврлик, магистратура босқичида таълим олиб қайтган ёшларнинг кейинги тақдири, албатта, муҳим ўрин тутади. Ҳар бир талабанинг йиллик таълими учун 25-30 минг доллар маблағ ажратилаётир. Шартномада белгиланган муддат эса 2-3 йилдан кам эмас. Бир кишига сарфланган маблағни 100 га, 200 га кўпайтириб кўрсак, улкан рақамлар ҳосил қилинади.

Амалга оширилган ишнинг натижасига, табиийки, ҳукумат доирасида қизиқилмоқда. Юртбошимизнинг 1998 йил 18 ноябрдаги чиқарган фармойишлари ***"... мамлакат ташқарисида таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларни ечиш, давлат, жамоат ва нодавлат тузилмаларида уларнинг са-***

Tahlil

лоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланиш"*ни назарда тутади. Фармойишга мувофиқ, махсус ишчи гуруҳи тузилган. Унинг таркибига Бош вазир ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимлари киритилган.*

1998 йилда хориж таълимини олиб қайтган 12 нафар ёшлар ўз мутахассисликлари асосида ишга жойлаштирилди. Ҳозирги пайтда бу рақам 200 дан ошди. "Умид"чилар ўз фаолиятини бошлаган идора, корхона, муассаса ва вазирликлар қошида кенгайтирилган мониторинг олиб борилаётир. Мониторинг маълум фурсат ўтгач, собиқ талабанинг ўз фикрини, ҳамкасбининг кузатувини, раҳбарнинг хулосасини умумлаштиради. Расмийлаштириш аноним, яъни яширин усулда амалга оширилади.

ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРНИНГ ФИКРИ

— "Умид" совриндорлиги ҳар қандай талабанинг таржимаи ҳолига ёзилавермайди. Бунинг қатъий мезонлари бор. Аввало, у хорижий тиллардан бири — инглиз, немис, француз, испан ёки итальянчани "сув" қилиб ичган бўлиши лозим. Иккинчи муҳим шарт сифатида унинг маънавий дунёси туради. Энг сўнгги, ҳал қилувчи босқичда эса даъвогарнинг ўзи танлаган мутахассислиги бўйича анчайин пухта билим олганлигига эътибор қаратилади, — дейди "Умид" жамғармаси ижрочи директори Ботир Убайдуллаев.

"Умид" умид билан, юрагига сиғмаган орзулар билан ўз Ватанига, Ўзбекистонга қайтди. Хўш, унинг кейинги тақдири қандай кечади? Жамғарма маъмурияти буни доимий равишда ўз назорати остига олади. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, Марказий банк, Миллий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ўзларига тақсимлаб берилган кадрларга эътибор билан қараб, уларнинг хоҳиш-иродаларини ўрганмоқда. Билим ва интеллектуал салоҳиятларидан фойдаланиш бу идора ва вазирликларда асосий масалага айланган. Президентимизнинг бу тўғридаги фармойишида таъкидланганки, ***"... ёш мутахассислар хорижда таълим олиб қайтганларидан кейин уларнинг меҳнат фаолиятларининг доимий мониторингини, муносиб меҳнат ҳақи ва касбкор соҳасидаги ўсишини таъминлаш"*** *лозим. Афсуски, назарий жиҳатдан мукаммал "қуролланиб" қайтган бундай ёшларнинг ҳаракат ва ташаббуслари ҳамма жойда ҳам қўллаб-қувватланаётгани ёки рағбатлантирилаётгани йўқ. Шунда ўйлаб қоласан: келажакни ўйлаб, мамлакат истиқболи учун сарфланган маблағ ҳавога учмаяптими? Тўғри, ёшликнинг ширин ҳистуйғулари таъсирида юрган ука-сингилларимизда амалий тажриба, уқув етарли бўлмаслиги мумкин. Лекин мен шуни қўрқмасдан эътироф этаманки, уларда билим ва салоҳиятнинг бой заҳираси бор. Улар дунё миқёсига чиққан давлатлардаги илғор ғоя ва тузилмаларни ўзимизники билан таққослай туриб, ана шу жиҳатларни бу ерда қўллаб кўришга қизиқадилар. Бундай кезда уни қўллаб-қувватлаб, йўлга солувчилар кўп ҳам топилавермайди. Натижада ундаги ғурур, ташаббус ва ҳаракатлар сўна бошлайди. У ҳам кўпчилик жойлашган "қобиқ"нинг ичига тушади. "Сенинг ҳавойи орзуларинг бу ерда иш бермайди" дегувчи раҳбарлар бизда камми? Энг нафратланадиган иллат эса раҳбарларимизнинг юқоридан берилган буйруқ ва қўнғироқлар асосида иш кўришидир.*

"УМИД" БЎЙ ЧЎЗАДИМИ?

"Умид" — вояга етган ниҳол. У гуллаб-яшнашни, мева беришни истайди. У бу йўлда учраган тўсиқларни олиб ташлагиси, ўзини кўрсатгиси келади. Ахир у нима учун ва ким учун бегона юртларда юриб, ўз нони, оши ва сувини қўмсади? Унга кўрсатилган ишонч ва ғамхўрликни қачон, қандай оқлайди?

"Умид" аслида ўз ҳолига ташлаб қўйилгани йўқ. Лекин уни асраб-авайлаш, унинг билим ва заковатидан фойдаланишдаги лоқайдлик ва эътиборсизлик бугунги кунда кенг жамоатчиликда ташвиш уйғотмоқда. Тузилган ҳукумат комиссияси ва махсус ишчи гуруҳи "Умид" совриндорларининг бугунги тақдирини ҳар бир раҳбар ва масъул ходим олдига энг биринчи галдаги кечиктириб бўлмас вазифа сифатида қўяди. Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида 2000 йилнинг декабрь ойидаги кенгайтирилган йиғилишда "Умид"чиларнинг таълимдан кейинги фаолияти муфассал таҳлил этилган эди. Тегишли идора ва вазирликларнинг кадрлар бошқармасига Марказий ва Миллий банклар, Ташқи ишлар, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий авиакомпания иш тажрибаларини ўрганиш қатъий вазифа қилиб белгиланди. Шу нарса аниқки, вилоятларда ҳам хориж таълимини олиб қайтган ёшлар билан ишлаш мақтайдиган даражада эмас.

... Дунёга чиқсанг, олам ва одамлар ҳақидаги тасаввуринг бир қадар тиниқлашади ва кенгаяди, бу бор гап. Абдулла Ориповнинг "Олтин балиқча" ҳақидаги шеърига шундай мазмун юкланган. Кўлмак ўша балиқча учун ҳаёт бўлиб кўринади. Ваҳоланки, балиқлар учун тўлқинлари бағрига сиғмаган денгизлар бор, чашмалар бор, тип-тиниқ мавжланиб оқувчи дарёлар бор. Дунё кўриб қайтган ёшларнинг қараш ва тасаввурлари кенг, хилма-хил. Гап шундаки, улар қаерда бўлишмасин, Ўзбекистон фарзандиман, деган туйғуни асраб-авайлаб, бу юртга ошиққанлар. Шундай бўлгач, "Умид"га фақат жамғарма эмас, балки уни қарши олган мутасадди ташкилот ва корхоналар ҳам эътибор билан муносабатда бўлишлари шарт ва зарур. Зотан, "Умид"нинг замирида мамлакатимиз истиқболи билан боғлиқ очилмаган хазина яширин. Бу хазина уларнинг қўлида.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида иш бошлаган халқаро анжуман "Ислом ва замонавий жамият" мавзусига бағишланди. Ушбу анжуман республика "Устоз" жамғармаси ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Очиқ жамият институти кўмагида ташкил этилди.

— Ушбу мавзуни муҳокама қилиш учун Ўзбекистон энг қулай жой ҳисобланади, — деди анжуманда сўзга чиққан АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбст. — Чунки мамлакатингиз ниҳоятда бой минг йиллик диний ва маданий меросга эга. Шу ўринда бухоролик муҳаддис олимларнинг бутун ислом дунёсига таъсири катта бўлганлигини таъкидлаш лозим. Айтиш жоизки, етмиш йил давом этган шўро даврида ҳам Ўзбекистон халқи миллат тафаккурининг ажралмас қисми ҳисобланган диний эътиқод ва анъаналарни сақлаб қола билди. Турли динга мансуб кам сонли халқларга нисбатан бағри кенг бўлиш анъаналарини ўзига сингдира олди.

Элчининг таъкидлашича, ислом дини АҚШда

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ИСЛОМНИНГ МАВҚЕИ

жуда кенг тарқалаётган динлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда у ерда 8 миллионга яқин мусулмонлар истиқомат қилади. Кўпгина америкалик мусулмонлар ер курраси-нинг турли бурчакларидан келган муҳожирлардан иборат бўлса-да, уларнинг аксар қисми шу ерда туғилган, деди у.

"Устоз" жамғармасининг ижрочи директори Абдужаббор Абдувоҳидовнинг "Туркистон-пресс" мухбирига айтишича, анжуманнинг асосий мақсади исломий қадриятларни замонавий жамиятлар амалиётида кўришдан иборатдир.

Икки кун давом этадиган ушбу анжуманда турли диний ва маънавий қадриятларнинг жамиятда ёнма-ён бирга яшаши муаммолари, исломнинг жамиятдаги, хусусан, таълим соҳасидаги ўрни, яъни динни давлат мактабларида алоҳида фан сифатида ўқитиш керакми ёки бу борадаги билимларни тарих ва маданият курсларида бериш лозимми, деган масалалар муҳокама қилинади.

Шунингдек, анжуман давомида АҚШ, Туркия ва Франциядан ташриф буюрган олим ва мутахассислар бу ердаги ҳамкасблари билан ушбу соҳада ўзлари олиб бораётган тадқиқотлар ва ғоялар борасида тажриба алмашадилар.

"Туркистон-пресс"

Mehmonxona

ҚЎШИҚЛАРИМ ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ТАРБИЯЛАСИН DЕЙМАН

Меҳмон ҳақида икки оғиз сўз. Маҳмуджон Азимов 1955 йили Тошкент вилоятининг Тошкент тумани (ҳозирги Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани) Охунбобоев маҳалласида туғилган. 1962-72 йилларда ўз маҳалласидаги 8-ўрта мактабда таҳсил олган. 1977 йили ТошДУнинг филология факультетини тугатган. Шредер номидаги қишлоқ хўжалиги техникумида ўзбек адабиёти фанидан дарс берган. Қисқаси, Маҳмуджон ака ўзимиздан. Қандай қилиб санъат йўлига ўтиб кетганлари ҳақида эса кейинроқ.

1990 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига ва шу йили Ёшлар мукофотига ҳам сазовор бўлган. Айни пайтда Чкалов номидаги Авиация ишлабчиқариш бирлашмаси қошидаги «Парвоз» ашула ва рақс халқ ансамблига бадиий раҳбарлик қилмоқда.

—Ҳурматли Маҳмуджон ака, "Меҳмонхона"-мизнинг анъанавий саволи билан суҳбатимизни бошласак. Биринчи муаллимингизни эслайсизми?

—Биринчи ўқитувчимнинг исмлари Мунаввар опа эди. Жуда яхши инсон, ҳақиқий жонкуяр педагог, шу билан бирга жуда талабчан эдилар.

Мактабдаги давримдан жуда кўп хотиралар қолган. Адабиёт билан мусиқа дарслари жону дилим эди. Шу боис физика, математика дарсларида "Бунинг ўрнига адабиёт, мусиқа фанларини қўйиб ташламайдими", дея кўп ўйлардим.

—Демак, санъатга, адабиётга қизиқиш аввалдан бўлган экан-да?

—Ёдимдан чиқмайди, хаёл қўшиққа кетиб қолиб, дарс пайтида партани чертиб чалганим учун ўқитувчиларимдан бир неча маротаба дакки эшитганман. Санъатга қизиқишим болаликдан бошлангани рост. Биринчи ёки иккинчи синфда ўқиган чоғимда, эсимда, биринчи рубобимни қўй боқиб, тийинлаб пул йиғиб олганман. Юқорида биринчи устозлар ҳақида гап бўлди, санъатдаги биринчи устозим Ғуломназар ака Райимов бўладилар. У киши колхозимиз клубида тўгарак раҳбари эдилар. Ғуломназар акага шогирд тушишим ҳам қизиқ бўлган. Қўлим рубобнинг охирги пардаларига етмас эди. Шу боис тўгаракдан икки марта қайтариб ҳам юборганлар. Лекин миттигина бўлсамда, боравердим. Ҳоли жонларига қўймаганимдан сўнг, ёнларига ўтқазиб ўргата бошладилар. У киши ҳозир ҳам мактабда мусиқадан дарс берадилар. Борганда кўриб-кўришиб турамиз. Ғуломназар акадан ҳам бир умр миннатдорман.

—Асосий саволга ўтишдан аввал, ўзингиз болалик, ўсмирлик ва ёшлик чоғингизда қандай мусиқа ва қўшиқларни тинглаганингизни, қайси қўшиқчиларни ва нима учун яхши кўрганлигингизни айтиб бersангиз.

—Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаровларнинг қўшиқларини эшитиб катта бўлганман, десам хато бўлмайди. Асосан миллий қўшиқчилигимизга қизиққанман, ўша қўшиқларни хиргойи қилиб юрганман. Ёшлик чоғимга келсак, яъни талабалик пайтларим ТошДУнинг "Дилнавоз" ансамблига қатнашиб, биргаликда ҳатто Республика миқёсида ўтадиган "Марҳабо талантлар", "Зеҳн" каби телеконкурсларда иштирок этганмиз. Ана шу катта санъат саҳналари мени кейинги фаолиятга, яъни "Баҳор" ансамблига етаклади. Раҳматли Мукаррама опамиз таклифлари билан "Баҳор"га ишга келиб, у ерда жуда кўп санъат сирларини ўрганганман.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келадиган бўлсак, юқоридаги устоз санъаткорларнинг қўшиқларида миллийлик уфуруб турарди. Шу боис уларни бутун вужудим билан берилиб тинглардим, тақлид қилиб ўша қўшиқларни айтардим.

—Миллийлик уфуруб турарди, дедингиз. Буни, яъни миллийликни сиз қачон ва қандай қилиб англагансиз?

—Саволингиз замиридаги маънога тушундим. Миллийлик деган сўзни том маънода тушунмаган бўлсам-да, ўша қўшиқлардан, куйлардан ота-боболар ўгитларини англагандек бўлардим. У ўгитларни тарбия десам тўғри бўлади. Масалан, Комилжон Отаниёзовнинг қўшиқларида фалсафий маънолар бор. Бир қўшиғида (К.Отаниёзов усулида хиргойи қилади.-Ҳ.О):

Ҳар йигитнинг аслин
билай десангиз
Маъракада ўтириб
туришин кўринг,
Биров билан ошно бўлай
десангиз
Аввал ўз сўзинда
туришин кўринг,

дейди. Биринчидан, бу сўзлар таҳлилига бағишлаб бир китоб ёзсангиз бўлади. Иккинчидан, бу сўзларга мос куй бор, бу куй ота-боболаримиздан қолган. Ижро, куй, сўз ҳамоҳанг бўлади. Бундай фикрлар авваллари мактабда, тўгарақда, гурунгларда айтиларди.

—Бугунги ёшлар эшитаётган куй-қўшиқларга муносабатингиз? Нега улар айнан шу қўшиқларни эшитяпти, деб ўйлайсиз?

—Муносабатим унчалик яхши эмас. Негалигини тушунтириб ўтиришим шарт бўлмаса керак. Юқорида номлари тилга олинган Комилжон Отаниёзовнинг қўшиқларидаги сўз билан бугун ёшлар эшитаётган қўшиқларнинг сўзини таққослаб кўринг. Ёки бўлмасам Муроджон Аҳмедов ижросидаги «Ўртар» қўшиғини олиб кўрайлик.

Агар ошиғлиғим айтсам,
куйиб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён
этсам тақи ул хонумон ўртар...

Сиртдан қараганда, бу қўшиқ муҳаббат ҳақида. Лекин унда фалсафий мушоҳадалар ҳам бор. Боз устига унга мос миллий куй басталанган. Бугунги айрим қўшиқларда маъно йўқолиб боряпти. Сўзнинг аҳамиятсизлиги сўзни ҳис этмасликка, созни ҳис этмаслик эса ўз навбатида мусиқанинг бузилишига олиб келаяпти. Бундай мисоллар жуда кўп.

—Эътибор берганмисиз, ўз фарзандларингиз қандай қўшиқ ва мусиқани яхши кўришади? Нима учун?

—Энди санъаткорнинг оиласида ўзига хослик бўлса керак. Фарзандларим ўзим ижро этган қўшиқларнинг кўпчилигини билади. Мақтаниш учун айтмаяпман бу сўзларни. Бундан ташқари, катта фарзандим Умиджон оғизда ёки созда мумтоз куйларни бошлашим билан номини айта олади. Нима учунлигига келсак, миттилигидан уларга миллий қўшиқчиликни ўргатганман. Эстрадани ҳам эшитади, лекин меъёри билан. Масалан, ўғлим эстраданинг сўзию куйининг фарқига боради. Чунки уни шундай тарбиялаганман.

—Гапингизни бўламан, ҳақиқатан ҳам санъаткор ўз фарзандига бу борада тўғри тарбия бериши мумкин. Лекин, санъаткор бўлмаган киши ўз фарзандини қандай тарбиялайди?

—Бундай тарбияни мактабларимиз, иложи бўлса боғчалардан бошлашимиз керак деб ўйлайман. Ҳеч бўлмаганда ҳар ҳафтада бир соат мақомларни тушунтириш лозим. Қолаверса, тарғиботда гап кўп. Телевиденени қўйиб туринг, ҳатто, бугунги овоз ёзиш студияларидан янграётган алламбало шовқин-суронли, сўзининг маъноси йўқ "қўшиқ"лар ҳам тарғиботга киради. Уларни тартибга соладиган вақт аллақачон келди. Яқинда дўстим, таниқли санъаткор Раҳматжон Қурбонов Озарбайжонда миллий қўшиқчилигимизни намойиш этиб келди. Уни мамлакат телевидениесига ярим соатлик концерт учун таклиф қилишибди. Раҳматжон ҳаммаси ўзимизники бўлмасин деган маънода бешта ўзимизнинг ва битта туркча қўшиғини ҳам репертуарига киритибди. Шунда телевидение мутасаддилари рўйхатни ўқиб кўриб, ўша бегона қўшиқни олиб ташлашибди-да, ёшларимизнинг тарбияси бузилишини хоҳламаймиз, дейишибди. Бизда эса жуда кўп мусиқалар Осиё давлатлари эстрадасидан тўғридан-тўғри ўғирланади, ўғирланганн майли, ижрочининг виждонига ҳавола десак, нотўғри тарбияланаётган фарзандларимизга, миллий қўшиқчилигимизга ачинаман.

—Мумтоз мусиқаю қўшиқларимизнинг янгича, яъни эстрада талқинида янграшига муносабатингиз.

—Иложи бўлса, мумтоз қўшиқ ва куйларимизга тегиш керак эмас деган фикрдаман. Шу ишга қўл урган ёшларимиздан илтимос қилардим. Уларга кетадиган меҳнатларини янги асарлар яратишга сарфлашса, яхши бўларди. Аслида мумтоз бўлиб қоладиган янги миллий асарлар яратишимиз керак. Бу аҳволда бор эски, яъни ота-боболар яратган мумтоз асарларимиздан ҳам жудо бўламиз-ку? Негаки, бугунги ёшлар дейлик, Маъмуржон Узоқовни доим эшитавермайди. Ўша қўшиқни "замонавийлаштирган" ёш санъаткорни эшитади. Шунда эски, яъни ҳақиқий талқин унутилиб кетиши мумкин, деган хавотирим бор.

—Ўз даврида тилга тушган "Самарқандга борсам мен агар" қўшиғингизнинг яратилиш тарихи ҳақида гапириб бersангиз.

—Ҳақиқатан, ҳар бир қўшиқнинг ўз тарихи бўларкан. Собиқ тузумнинг ўзини сақлашга чираниб ётган давр, яъни 1988-89 йиллар эди. "Ёшлик" журналида Муҳаммад Юсуфнинг шу шеърини ўқиб қолдим, маъқул бўлди. Куй басталаб, шоирга ҳам ижро этиб бердим. Унга ҳам маъқул келди. У биринчи бор "Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари" кўрсатувида намойиш этилганди.

Аслида ўзим фалсафий сўзларни, қўшиқларни яхши кўраман. Улар фарзандларимизни тарбияласин, дейман. Президентимиз болаларимизни тарбиялаш учун доим куйиниб гапирадилар. Қўшиқларимиз билан биз санъаткорлар у кишига ёрдам беришимиз керак. Қолаверса, қўшиқларим "Трамвайнинг бу бекатидан чиқиб, нариги бекатида тушиб қолиши"ни хоҳламайман.

—Ҳар қўшиқнинг ўз тарихи бўлади, дедингиз. Ўзимизнинг мумтоз куй ва қўшиқларимиздан бирортасининг яратилиши тарихи ҳақида сўзлаб бersангиз. Бу мусиқадан дарс берадиган муаллимларимизга ҳам қўшимча манба бўларди.

—"Насруллойи" деб номланган, ноласи юракнинг туб-тубига етиб борадиган мумтоз куйимизни кўпчилик яхши билади, Навоий ғазали билан айтиладиган қўшиғи ҳам бор. Адолат ўрнини жаҳолат эгаллаган қадим замонда юртимизнинг гўшаларидан бирида оддий деҳқон йигитнинг жуда хушрўй хотини бўлган экан. Хотининнинг ҳусни ҳақидаги гаплар етти томонга ёйилибди. Шоҳнинг хуфялари бундан хабар топиб, унга бу хабарни етказишибди. "Оддий деҳқонга бундай ҳурлиқо ҳайф. У сизнинг ҳарамингизни янада чароғон этади", деб унинг розилигини олишибди. Бир куни деҳқон даладан қайтса, болалари йиғлаб ўтиришибди. Маълум бўлибдики, хотинини саройга, шоҳнинг ҳарамига олиб кетишибди. Йигит шоҳнинг ҳузурига бориб, «Эй шоҳим, хотинимни ҳарамингга келтиришибди, наҳотки ҳарамингдаги шунча канизинг камлик қилса, қолаверса болаларимиз чирқиллаб йиғлаётган бўлса, сенда инсоф борми» дебди. Деҳқоннинг аччиқ сўзлари шоҳнинг ғазабини келтирибди-да, уни зиндонбанд қилибди. Орадан етти ой ўтгач, энди тавбасига таянгандир, дея деҳқонни қошига олиб келишларини буюрибди. Деҳқоннинг рози бўлиб, оёғига йиқилишини кутган шоҳ аввалгидан-да аччиқ гапни эшитибди. "Сенда инсоф, адолат борми, эй шоҳ, бировнинг жуфти ҳалолини нима қиласан, болаларим чирқиллаб қолди-ку?", дебди яна. Шоҳнинг жаҳли чиқиб, уни қатл этишга буюрибди ва шоҳнинг сўзини икки қилиб, ақл ўргатган одамнинг аҳволини ҳамма кўрсин, дея бутун халқни қатлгоҳга йиғдирибди. Деҳқоннинг бўйнида сиртмоқ, дор остида ундан сўнгги тилагини сўрашибди. Деҳқон танбур келтиришларини сўрабди. Сўнгги тилак, албатта бажарилар экан, шоҳ рухсат берибди. Унга танбур келтиришибди. Йигит таҳорат олгач, ҳеч кимга нотаниш бир куйни чалибди. Куй юракни ўртар даражада шундай таъсирли эканки, ҳамма, ҳатто, шоҳ ҳам кўз ёшини куй тугагунча тия олмабди. Йигит зиндондаги етти ойлик муддатда хаёлида басталаган экан бу куйни.

Куй тугагач, шоҳ бир арава келтиришларини буюрибди. Унга молу давлат орттириб, деҳқоннинг хотинини чиқариб, арава тизгинини озод этилган йигитнинг қўлига тутқазиб, ҳурмат билан уларни кузатиб қўйибди. Бу куй шоҳни одил ҳукмдорга айлантирган экан. Мулозимлар шоҳдан "Бу куйнинг номини нима деб қўяйлик" дея сўрашганда, шоҳ "деҳқоннинг номига қўйинглар", дебди. Деҳқон йигитнинг номи Насрулло экан.

Танбуримизнинг ноласи бошқа созларда йўқ. Виолончель ва бошқа Оврўпо созларини ўрганишимиз яхши. Лекин овруполикларни виолончель чалиб эмас, созларимизни чалиб, ўзлигимизни англатишимиз, ҳайратда қолдиришимиз керак.

—Ҳозир қандай янги қўшиқлар устида ишлаяпсиз? Қайси шоирлару бастакорлар билан ҳамкорлик қилаяпсиз?

—"Туркистон" саройида баҳор фаслида соф ўзбекона концерт бериш ҳаракатида юрибман. Айни вақтда тайёргарлик ишлари кетаяпти. Моҳир бастакор Мирҳосил Азизов қўшиқларимга куй басталайди. Шеърларни ўзим танлайман. Кўпроқ китоблар, газета ва журналларни ўқиганимда яхши шеърлар топаман. Шоирлардан Охунжон Ҳакимов билан Мақсуда Эргашеванинг шеърларини яхши кўриб, қўшиқ яратаман.

—Муштарийларимиз—зиёлиларга тилакларингиз.

—Касбнинг энг оғири устозлик, ўқитувчилик, тарбия бериш. Бу касбнинг тотли нонини еган инсон сифатида айтяпман бу гапларни. Шу машаққатли жараёнда чидаб, сабр билан болаларга тарбия бериб келаётган жонкуяр муаллимларимиз олдида таъзимдаман. Доимо соғ бўлишсин.

Ҳ. ОМОНХОН
суҳбатлашди.

Юрий Кан айни пайтда "Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги — умид, гўзаллик, бунёдкорлик байрами" деб номланган мураккаб композиция устида иш олиб бормоқда.

ЛИЦЕЙДА ҲАМ БАЙРАМ

Юртимизда буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг таваллуд айёми жуда кенг нишонланмоқда. Куни кеча ана шундай байрамлардан бири Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги лицейда ҳам ўтказилди.

"Алишер Навоий ғазал мулкининг султонидир" мавзусидаги катта байрамда барча лицей ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Ундан ташқари, байрамга уруш фахрийлари, маҳалла оқсоқоллари ва ота-оналар таклиф қилиндилар. Лицей талабалари томонидан Навоий ғазалларидан парчалар ва унинг ўлмас достонларидан саҳна кўринишлари ижро этилди. Ўқувчиларимиз орасида "Навоий ғазаллари шайдосиман" мавзусида ғазал айтишуви бўлиб ўтди.

Наима МИРҲОЖИЕВА,
лицей ўқувчиси

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги молия-иқтисодиёт коллежи қисқа вақт ичида кучли моддий-техник базага эга бўлди. Коллеж ҳозирги кунда жаҳон андозаларидаги энг замонавий ўқув жиҳозлари, кўргазмали куроллар билан жиҳозланган.

Суратда: коллеж талабалари замонавий касса аппаратларидан қандай фойдаланиш ва уларнинг жуда қулайлиги хусусида фикрлашмоқдалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

УСТОЗНИНГ КЎРГАЗМАСИ

А.Хўжаев номидаги республика санъат билим юртида ёшларнинг севимли мураббийси Геннадий Серовнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан унинг ижодий кўргазмаси ташкил этилди.

— Ёшларни санъатнинг машаққатли довонлари сари тоблашда мураббийларнинг, устозларнинг ўрни беқиёс, — деди санъат билим юрти директори Шоносир Муродов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Шу маънода бугун олтмиш йиллик юбилейларини нишонлаётган мураббийларимиз Геннадий Серов ва Анвар Жамолбековнинг беқиёс хизматлари бор. Етук мусаввир, наққошу ҳайкалтарош ҳамда модельерлар тайёрлаш учун, аввало, улар руҳиятида нозик дидни шакллантира олиш лозим. Билим даргоҳимиздан бу йил илк ёш санъат усталари етишиб чиқадилар. Талабаларимиз орасида изланувчан ва иқтидорли ёшлар талайгина.

Шу билан биргаликда билим юрти кўргазмалар залига қўйилган истеъдодли ҳайкалтарош Юрий Кимнинг сополдан ишланган бетакрор асарлари ҳар қандай томошабинни ҳайратга солади. Шунингдек, кўргазмадан ўрин олган ўқитувчилар Зайтуна Ибрагимова ва Ирина Ивлиева устозлигида учинчи босқич талабалари томонидан яратилган турли халқларнинг миллий кийимлари ва уларга махсус солинган миллий нақш ва гуллар ёшлар ижодий камолидан дарак беради.

Ҳамкасблар ва шогирдларнинг самимий қутловлари олтмиш ёш остонасидаги устозларни ёшартириб юборди гўё. Шу куни республика Бадиий Академияси томонидан Г.Серов ва А.Жамолбековга "Ёш авлод тарбиясидаги беқиёс хизматлари учун" дипломи ҳам топширилди.

"Туркистон-пресс"

МОДДИЙ БАЗА МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Litseylar hayotidan

Шаҳрисабз шаҳридаги ал-Хоразмий номли лицей-интернат 1995 йил сентябрь ойида дастлабки ўқувчиларини ўз бағрига олган эди. Ўтган давр мобайнида лицейни 300 га яқин ўқувчи битириб чиқди. Қувонарли томони шундаки, битирувчиларнинг тўқсон фоиздан кўпроғи мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларига қабул қилинди.

Ҳозирда лицей-интернатда математика-иқтисод, математика-физика, химия-биология, тарих, она тили йўналишлари бўйича ўқитиш ишлари олиб борилмоқда.

2000-2001 ўқув йилида жами 400 дан ортиқ ўқувчи мазкур лицейга кириш учун қабул ҳайъатига ҳужжат топширган эди. Шулардан 80 нафар энг иқтидорли бола танлаб олинди ва ўқувчилар сафига қабул қилинди. Лицейнинг Х.Жабборов, Ж.Шодиқулов, Ж.Исломов, А.Икромов, А.Абдураҳмонов, Б.Хуррамов ва У.Қурбонова каби илғор мураббийлари ўз фанлари бўйича ёшларга чуқур билим беришаётир. Ўқувчилардан 10-15 нафари ҳар йили вилоят фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаб келаётгани ўқитувчилар меҳнатининг самарасидир.

— Лицейимизда компьютерларнинг етишмаслиги асосий муаммо бўлиб турибди, — дейди муассаса раҳбари Эшқувват Худойназаров. — Информатика хонамизда атиги 8 та (эътибор беринг, лицейда 250 ўқувчи бор) компьютер бўлиб, у ҳам, Правец-Сенека русумли ЭҲМлардир.

Елиб-югуришларимиз натижасида тумандаги "Дон — халқ ризқи" ҳиссадорлик жамияти раиси, Олий Мажлис депутати Акбар Темиров лицейни замонавий компьютерлар билан жиҳозлашга ваъда берган эди. Ва у дастлабки замонавий-индивидуал компьютерларни етказиб берди ҳам. Лекин бу мавжуд эҳтиёжга нисбатан анча кам. Агар туманимизда шу каби таълимга эътиборли раҳбарлар янада кўпайса, нур устига аъло нур бўлур эди. Зеро, Президентимиз айтганидек, замон талабига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда, ўқув масканларининг моддий базаси ҳам замонавий бўлиши керак.

Алимардон РАҲМАТОВ

Самарқандлик таниқли керамикачи рассом Юрий Кан айни пайтда "Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги — умид, гўзаллик, бунёдкорлик байрами" деб номланган мураккаб композиция устида иш олиб бормоқда.

Асли чимкентлик бўлган Юрий Кан дастлаб Тошкент театр ва рассомлик институтининг бадиий керамика бўлимини тугатди. Ҳозирда у Самарқанддаги сопол буюмлар заводида ишлаб келмоқда.

Ўз ишига астойдил қизиққан қаҳрамонимиз 1996 йилда Самарқанд кооператив коллежи директори Маҳмуд Ҳамроев ёрдамида шу ўқув даргоҳи қошида керамика цехини очишга муваффақ бўлди. Бу ерда ўзи бошлиқ ва керамикачи рассом сифатида иш олиб борди. Устанинг қўлларида

УСТА КАСБГА МЕҲР ҚЎЙСА...

оддийгина лой жонланиб, шу қадар нафосат касб этганидан киши битмас-туганмас завқ олади. Катта маҳорат билан ишланган ошхона буюмларининг жамланмаси, терракотадан ясалган эртак қаҳрамонлари — "Аждаҳо", "Йўлбарс" ва шунга ўхшаш санъат асарларини томоша қилиб, бунинг шоҳиди бўласиз.

— Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида уста ўз буюмларидан фақат савдосотиқ, тижорат йўлида фойдаланишни эп кўрмайди, — дейди коллеж директори Маҳмуд Ҳамроев. — У юзлаб қариндошлари ва дўстларига ёхуд ўзи яшайдиган ҳудуд болаларига чиройли ўйинчоқлар, совға буюмларини ҳеч қандай таъмасиз чин кўнгилдан улашаверади. Шуни ҳам айтиш керакки, америкалик таниқли бизнесменлар устага тез-тез буюртма бериб, ўзларининг серҳашам ресторанлари учун юксак дид билан безатилган сопол буюмларни харид қилишмоқда.

Самарқанд вилояти
"Туркистон-пресс"

ДОНГДОР МАСКАН

Чирчиқ шаҳридаги 1-касб-ҳунар мактаби ҳудудда донг таратган илм масканларидан ҳисобланади. Мактаб иш бошлаганига ҳам олтмиш йилдан зиёд вақт ўтибди. Бу давр мобайнида ушбу масканда йигирма мингдан зиёд кадрлар тайёрланиб, уларга касб-ҳунар сирлари ўргатилди.

— Касб-ҳунар мактабимиз асосан қурилиш соҳасида мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган, —дейди касб-ҳунар мактаби директори Давлатёр Гулимов. — Айни кунда ҳам муассасамизда ғишт терувчи, электр пайвандчи, дурадгор-паркетчи, сувоқчи, бўёқчи-кошинкор, сантехник-монтажчи каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Сўнгги вақтларда мактабимизда аввало мутахассислар бозорини ўрганиб, қайси соҳада кадрларга талаб-эҳтиёж борлигини назарда тутган ҳолда, сўнгра кадрлар тайёрлашга киришиш йўлга қўйилган. Мақсад, бизда таҳсил кўрган ёшлар эртага ишсиз қолмаслиги лозим. Ёхуд эҳтиёж бўлмагани ҳолда ёшларнинг вақтини зое кетказмаслик ҳамда ҳукуматимиз томонидан бизга ажратилаётган маблағни беҳуда ҳавога совурмаслик керак. Мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш учун эса, меҳнат биржалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Ҳозирда мактабда 600 нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Уларга 18 нафар фан ўқитувчилари ва 31 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари таълим-тарбия бермоқда. Бу ерга нафақат Чирчиқ шаҳридан, Бўстонлиқ, Қибрай, Паркент каби қўшни туманлардан ҳам ўқувчилар келиб, касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

Касб-ҳунар мактабида меҳнат қилаётган Василий Корпунин, Абдуманноп Мамбеков, Евгения Акселрод, Зоя Салимова, Абдукарим Жолдасев, Лолита Тожимуродова ва сингари фаол фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари номини ёшлар ҳурмат билан тилга олишади.

Касб-ҳунар мактаби мустаҳкам базага эга. Бу ерда барча зарур ўқув ва ишлаб чиқариш жиҳозлари етарлича жамланган. Яқинда таъмирдан чиқарилган спорт залида жисмоний чиниқиш машғулотлари ва турли мусобақалар мунтазам ўтказилиб турилади.

Бугунги кунда касб-ҳунар мактаби жамоаси ички бир тараддуд билан меҳнат қилмоқдалар. 2003 йилга бориб, мактаб касб-ҳунар коллежи мақомини олиши режалаштирилган. Жамоа ушбу мақомга муносиб янгиликлари, изланиш ва изланувчанликлари билан эришишни ният қилган.

И.ИСКАНДАРОВ

Суратда: мактабда дарс жараёнидан лавҳа.



Bugunning yoshlari

ҲИЛОЛАНИНГ ОРЗУСИ

Ҳилолахон Қўчқорова Андижон Давлат университетининг ёш муаллимаси, биология кафедрасининг аспиранти. Ёши — 24 да.

—Ҳилола, дорилфунунни тамомлаганингизга эндигина икки йил бўлибди. Демак, талабалардан у қадар узоқлашиб кетмагансиз. Келинг, Ўзбекистон талабаларининг орзу-армонлари, муаммолари хусусида гаплашсак.

—Ёшларнинг аксарияти ўз-ўзларидан қониқмай яшайдилар ва шу фазилатлари учун ҳам мен талабаларни жуда ҳурмат қиламан. Илмга интилаётган йигит-қизлар қанча кўп қўллаб-қувватланса, шунча оз. Муаммолар хусусида гапирсам, айрим фанларни чуқурроқ ўзлаштириш учун ўзбек тилида ўқув қўлланмалари кўпроқ бўлса. Талабаларнинг асосий вақтлари адабиётлар қидириш, бозор-ўчар қилиш, ош-овқат пишириш билан банд бўлиб қолади. Мен уларнинг кўпроқ умри кутубхоналарнинг ўқув залларида ўтишини ва истаган китобларини ўша ерда топишларини истардим. Демак, кутубхоналаримизни мумкин қадар керакли адабиётлар билан бойитиш ва тўлдириш зарур.

Бизда қишки ва ёзги семестрлар бор. Бу даврда талабалар билими синаб кўрилади. Шунинг учун таълим тизимида цикл ўқитиш йўлга қўйилса, яъни бир фанни мукаммал ўзлаштириб олишгандан сўнггина, иккинчи соҳага қадам қўйилса, яхши бўларди. Университетимизда шундай жараёнга киришилди. Бу устозларимизга ҳам, талабаларга ҳам манзур бўлмоқда.

—Ҳилола, сиз учун фан билан шуғулланиш зуруратми ёки эҳтиёжми?

—Инсонга энг олий неъмат — онг ва идрок қилиш қобилияти берилган. Шунинг учун ҳам у ҳамиша ўз эҳтиёжларини имконият даражасида қондириб яшашга ҳаракат қилади. Илм-фан соҳасида қилаётган изланишларим менинг ҳам маънавий эҳтиёжим, орзу ва қизиқишларимнинг мажмуи ҳисобланади. Илм-фанга ҳеч кимни зўрлик билан жалб қилиб бўлмайди. Бу жараён фақат ихтиёрий суратда, кучли интилишлар силсиласидагина амалга ошади. Биласизми, назаримда, ўсимликлар ва ҳайвонот олами табиат мувозанати ва инсоният хавфсизлигини асраб тургувчи қўриқчиларга ўхшайди.

—XXI асрда ўша қўриқчиларимизнинг тақдири қандай кечаркин?

—Замира опа, ёшлар ниҳоятда катта куч. Улар экология муаммоларига ҳам ечим топадилар. Тўғри, ҳозир она табиатимиз аламзада бир ҳолатда турибди. Саноат корхоналаридан чиқаётган тутунлар, ҳар хил оқавалар, турли чиқиндилар мусаффо осмонимизни, зилол сувларимизни ифлослантирмоқда. Ҳолбуки, уларни келажакка тоза ҳолда топшириш бугунги кун кишисининг бурчидир. Сўлим гўшаларга уюштирилаётган саёҳатлар, шахсий ов тадбирлари, қўриқ ерларни ўзлаштириш, атмосфера ҳавосининг бузилиши, тупроқ таркибининг ўзгариши, заҳарланиши табиатимиз, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг издан чиқиши эвазига содир бўлмоқда.

— Ҳилолахон, сиз талабаларингизнинг муаллимасигина эмас, энг яқин дўсти ва сирдоши ҳамсиз. Сиз улар билан сирлашиб турасизми?

—Ёшликда ҳар ким севади, севилади. Аммо муҳаббатни эҳтиёжлар қурбонига айлантириш ярамайди. Ҳозир енгил-елпи ҳаракатларни ҳам муҳаббат деб аташ урфга айланиб бормоқда. Газета ва журналларда ўз севги достонларидан ҳасрат қилиб, оҳ-воҳ чекаётганларни кўрганда ҳайратга тушаман. Муҳаббат ҳаммага овоза қилинадиган туйғу эмас. Чинакам инсонлар муҳаббатни ҳамиша ардоқлаб ўтганлар. Муҳаббат — қутлуғ туйғу. У юракнинг тубида асралсагина, киши юксакликка, покликка, эзгуликка йўл топади. Бировни севган киши унга етишишни бош мақсад қилиб қўйса, бу худбинликдир.

Олий даргоҳларда фақат қизлар клубигина эмас, йигитлар клуби ҳам ташкил этилса, кўнгилдагидек бўларди. Кўпинча бу борада қизларни айбдор деб топишади. Лекин севги тимсолларига айланиб кетган Мажнун, Тоҳир, Отабек, Анвар номларига доғ тушираётган йигитларимиз ҳам оз эмас-ку!..

XXI аср ёшларнинг муҳаббатни том маъноси билан тушунадиган даври бўлиб қолишига ишонгим келади.

Мен ўз тенгқурларидан мустақил фикри, чуқур билими, тиниқ тафаккури билан ажралиб турадиган Ҳилолахон Қўчқорова сингари ёшлар сафи кенгайишини истаб қоламан.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА суҳбатлашди.

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР МАРКАЗИ

Tajriba

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Самарқанд Давлат университетидаги ушбу марказ ўтиладиган фанларни аъло даражада ўзлаштириш, фикрлаш қобилиятининг ўткирлиги, дунёқарашининг кенглиги билан ажралиб турадиган талабаларни аниқлаш борасида мунтазам шуғулланиб келмоқда. Бу ишни амалга оширишда ҳар ўқув йилининг якунида талабаларга юқори савияли дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларнинг тавсияларига таянилади. Номзодлари кўрсатилган талабалардан мутахассислик бўйича тест ва ёзма иш олинади ҳамда суҳбат ўтказилади. Булардан ташқари, бу ўқув йилида биринчи марта иқтидорли талабаларни танлашда психологик тестдан фойдаланилди. Равен тести асосида талабанинг ақлий қобилият даражаси аниқланди.

Ўтган ўқув йилларида яхши ва аъло баҳога ўқийдиган 850 нафар талабадан 98 нафари иқтидорли деб танлаб олинди. "Умид" жамғармаси танловида қатнашиши лозим бўлган талабалар учун марказ томонидан мутахассислик, информатика, чет тили ва маънавият асосларидан тасдиқланган режа асосида 10 ҳафталик махсус ўқув дарслари ташкил қилинди. Иқтидорли талабаларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида чет тили дарслари ёзги таътил ойларида оромгоҳларда ўтказилди.

Мутахассислик ва информатика фанларини ўқитишга ўз фанларини мукаммал биладиган, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар жалб қилинди. Бунинг самараси ўлароқ, иқтидорли талабалардан амалий математика ва информатика факультети талабаси Шоҳимардон Мусаев Президент стипендияси совриндори, иқтисодиёт факультети талабаси Шаҳноза Исроилова, Беруний номидаги физика факультети талабаси Муззаффар Маликов, Улуғбек номидаги тарих факультети талабаси Дилафрўз Аблакулова, ўзбек филологияси факультети талабаси Орзубону Юсуповалар Навоий номидаги давлат стипендиялари совриндорлари бўлдилар. Шунингдек, "Умид" жамғармаси ташкил қилингандан буён университетимиздан хориждаги олийгоҳларга жами 15 нафар талаба таҳсил олиш учун жўнатилди. Бу талабалар билан электрон почта орқали даврий алоқа ўрнатилган. Бундан ташқари четда таҳсил олган талабаларимизнинг турмуш тарзини билиш, уларнинг ўқиш шароити, илмий ишлари тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун физика факультетининг декани, профессор А.Жумабоев АҚШнинг Огайо университетида магистратурада таҳсил олаётган Бари Османов билан учрашиб қайтди.

Хоришда таълим олаётган талабаларимиз билан университет иқтидорли талабаларининг учрашувини ташкил қилиш анъана тусини олди. Улар чет эл турмуш тарзи, ўзлари таълим олаётган даргоҳларнинг таълим тизими тўғрисида сўзлаб беришади.

Иқтидорли талабаларимиз чуқур билим олиш билан бир қаторда илмий тўгаракларда, давлат бюджети ва хўжалик шартномаси асосида ишлайдиган лабораторияларда ҳам тадқиқот олиб боришмоқда. Бажарилган илмий тадқиқот ишларини талабаларимиз кимё заводи қошида ташкил қилинган "Кимёвий технологиялар лабораторияси", "Кинап" заводи базасида ташкил қилинган "Оптика" кафедрасининг филиали, Қозоғистон-Ўзбекистон ҳамкорлигида ташкил қилинган "CO_2 газини ўлчовчи газоанализаторлар" мавзуси бўйича Нодир-ЛТД қўшма корхонасида амалиётга татбиқ этмоқда.

2000-2001 ўқув йилидан бошлаб иқтидорли талабаларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш ва илмий ишга қизиқтириш мақсадида давлат стипендияларидан ташқари, университетнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан табиий фанлар бўйича академик А.Отахўжаев, гуманитар фанлар бўйича академик В.Абдуллаев номидаги стипендияни жорий этиш кўзда тутилди. Бир сўз билан айтганда, университет "Иқтидорли талабалар билан ишлаш маркази"нинг фаолияти замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассислар тайёрлашга қаратилган бўлиб, бу фаолиятни амалга ошириш учун услубий-амалий тадбирлар янада такомиллаштирилади.

У.ЗОҲИДОВ,
Самарқанд Давлат университети доценти

Fikr

«ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ»

Билими мустаҳкам битирувчиларнинг тестларни пухта тайёргарлик асосида топшириб, олий ўқув юрти талабаси бўлиши, шубҳасиз, қувонарли.

Ўз бошидан ана шундай жараённи кечирган ҳар бир киши бундай ёшларни саминмий, чин юракдан олқишлайди. Мен ҳам бундай ёшларга ҳавас ва умид билан қарайман. Зеро, улар мустақил Ўзбекистоннинг шуҳратини оламга таратади. Аммо, инсон ўз соҳасини чуқур биладиган яхши мутахассис бўлса-ю, унинг қонида эътиқод ва ватанпарварлик туйғуси бўлмаса, яъни унинг маънавияти суст бўлса, бундай инсон ўзининг кучи ва беқиёс иқтидорини миллат, Ватан равнақи ва истиқболига бағишлай олармикан?

Буюк шоир айтганидек:
Эл нетиб топгай мениким,
Мен ўзимни топмасам,
Ўзлигини топмаган инсон, миллат, Ватан фидойиси бўла олармикан?

Бу савол ҳамиша мени ўйлантириб келарди.

Ўғлим лицейни тугатиб, Ислом университетига ҳужжатларини топширганида қабул синовларининг бошида маънавият ва маърифат, хорижий тил бўйича имтиҳон борлигини эшитиб жуда қувониб кетдим. Кўп ўтмай, қувончим кўшалоқ қувончга айланди. Фарзандим синовлардан муваффақиятли ўтиб, мазкур университетга қабул қилинди.

Ёшларнинг билими билан бир қаторда маънавий дунёсини ҳам синовдан ўтказиш, эътибор берилиши мени жуда хурсанд қилди. Юртбошимиз айтганларидек, ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлиги бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишмайди. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур.

М.ТУРСУНОВА
Бухоро шаҳри

Халқаро алоқалар учун энг қулай тил сифатида тан олинган инглиз тилига қизиқиш ўзбек йигит-қизларида ҳам кучли. Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида минглаб ёшларга бу тил билан ёзма ва оғзаки муомала қилиш усуллари мукаммал ўргатилмоқда.

Суратқаш: Бурҳон РИЗОҚУЛОВ.

ФАОЛИЯТГА БИР НАЗАР

Янги асрда барча соҳаларда рақобат кескин кучаяди. Энг олий сифатли нарсалар инсон учун хизмат қилади. Бунинг учун эса, аввало, ўша маҳсулотни тайёрлайдиган мутахассис савияси юқори бўлмоғи лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 март кунги қарорига биноан, давлат Тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси ташкил этилган эди. Бошқарманинг асосий вазифаси кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ҳамда ўқув жараёни самарадорлигини холисона баҳолаш тизимини йўлга қўйиш борасида изчил давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Кеча миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мазкур бошқарманинг икки йиллик фаолияти сарҳисоб этилди. ДТМ раиси Муҳсин Муҳитдиновнинг айтишича, ушбу бошқарма таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ўқув юртлари, кадрлар ва талабаларнинг савиясини аниқлаб, сарасини - саракка, пучини-пучга ажратади.

Икки йиллик фаолият давомида 46 та олий ўқув юрти, 3 та илмий тадқиқот институтлари, 317 нафар ўқув юрти раҳбарлари, 200 га яқин илмий педагог кадрлар, 818 нафар олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва бошқа мутахассислар аттестациядан ўтказилган ва керакли кўрсатмалар берилган.

Зеро, пойдевор мустаҳкам бўлмаса, янги қурилган уй кўпга бормасдан қулаб тушиши аниқ. Шунинг учун таълим соҳасидаги ўқув юртлар фаолиятини, ўқитувчилар савиясини оширмасак, буюк келажакни яратишимиз, рақобатбардош кадрлар тайёрлашимиз мушкул кечади.

К.АЛИОХУНОВ

Унга қанчалик мурожаат қилинса, шунча янги мазмунлар, талқинлар кашф этилаверади, шу жиҳати билан ҳам бу шеърият беқиёсдир.

Navoiyni o'rganamiz

"ҚАРО КЎЗУМ"НИ АНГЛАМОҚ ЙЎЛИДА

«Маърифат»нинг шу йилги 10 январь сонида Бойбўта Дўстқораев муаллифлигида Алишер Навоийнинг "Қаро кўзум" ғазали шарҳи эълон қилинди. Бунда муаллиф ғазални ўзига хос тарзда шарҳлар экан, "Азроилни манзура, маҳбуба тарзида ифода" этилганлигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Албатта фикрлар ранг-баранглиги яхши. Шу нуқтаи назардан биз ҳам мазкур ғазални имкон қадар Навоий достонлари асосида шарҳлашга уриндик.

Ғазал мулкининг султони Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг шеърияти беш ярим асрдан буён мухлислар дилини ўртаб, муҳаббат ва ҳайрат туйғусини пайдо қилиб келмоқда. Навоийнинг шундай асарларидан бири шубҳасиз "Қаро кўзум" номи билан машҳур бўлган, "Ушшоқ" (ошиқлар) мақомида айтиладиган ғазалидир. Мазкур шеърни Нажмиддин Комилов, Алибек Рустамов, Нуриддин Шукуров, Қобилжон Тоҳиров каби атоқли олимлар шарҳлашиб, ундаги зоҳирий ва ботиний маъно жилоларини кашф қилишган. Дарҳақиқат, Навоий шеърияти буюк бир уммонки, ундаги маъно гавҳарларининг поёни йўқ. Шу нуқтаи назардан биз ҳам имкон қадар ғазални тафсир қилмоқни лозим топдик.

Алишер Навоий ишқ, ошиқ ва маъшуқа ҳақидаги фикрларни шеъриятда қай рамз ва тимсолларда акс эттирса, шу манзара унинг достонларида ҳам эпик асар талаблари асосида ёритилади. Жумладан, "Қаро кўзум" ғазали талқинида маълум воқеалар силсиласи ётибди. Бундай манзараларни "Хамса" достонларидаги тасвирлар билан муқояса қилиб шарҳлашни маъқул кўрдик. Дастлабки байтда ошиқнинг маъшуқасига мурожаати келтирилган:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

"Мардум" — инсонийлик, кўз қорачиғи, "фан" — одат, ҳунар маъноларини ифодалайди. Демак, кўз гавҳаридай азиз, покиза севгилисидан ошиқ инсонийлик, вафодорлик, раҳм қилишни ва қорачиқ сингари кўздан жой олишни истамоқда. Чунки "Ҳайратул аброр" достонида тасвирланганидек, ошиқ қайси томонга назар солмасин унга ёрининг гўзал жамоли жилва қилади. Қаёққа кўз ташламасин, кўзига фақат ёри кўринади. Ниҳоятда азиз бўлган инсон сиймоси ошиқ кўз қорачиғида нақш солингандек ўрнашиб олади ва бу кўз борлиқни бор гўзаллиги билан сержило рангларда идрок қилади. Мақсад ва моҳият қатъийлашиб ошиқлик шавқи, жозибаси кўнгилда мавж уради. Гул юзли маҳбуба сиймоси энди кўз орқали ошиқ кўнглидан жой олади:

Юзунг гулиға кўнгил равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

"Равза" — жаннат, боғ маъноларида тушунилади. "Ҳайратул аброр"да келтирилишича, Яратувчи инсонни буюк бир ҳикмат ила ҳурлар жилва қилиб юрувчи жаннат боғига ўхшатиб бунёд этди. Юзи гулга, қадди гул ниҳолига ўхшаган ёр ошиқнинг кўз мардуми орқали кўнгил боғига ташриф буюради. Лирик қаҳрамон бу гулни ўзининг кўнгил боғида сақламоқчи. Чунки у ерда янги ҳаёт бошланади, чамандаги гулларга жон кириб, инсоннинг қадди рухсоридан таркиб топган гул — боғбон атрофида гулшан ясашади. Бу тасвирлар тахаййулга берилган ошиқнинг руҳий дунёсида кечмоқда. Асл воқеликдаги ошиқ-маъшуқлик муносабатлари қай даражада? Кейинги байтда маҳбубанинг реал ҳаётдаги тасвири ва ошиқнинг аянчли ҳолати акс этади. Ишқ мубталосининг завқ-шавқли интилишлари, руҳий ҳаяжонлари билан маъшуқанинг иши йўқ.

Таковарингға бағир қонидан хино боғла,
Итингға ғамзада жон риштасин расан қилғил.

"Таковар" — югурик от, "ғамза" — ноз ва ишва, "ришта" — ип, "расан" — арқон маъноларини англатади. Мазкур байтда маъшуқа югурик отда жавлон қилиб юрувчи қиз сифатида тасвирланмоқда. "Фарҳод ва Ширин" достонида қиз отга шафақ гулгунига минган ойдек, дев устига ўтирган бир паридек тасвирланса, "Ҳайратул аброр" достонида эса (насрий баёни) "севиклининг чопқир оти яшиндек тез қадам босади. Чаққонлиги ақлни қуйдиради. Тўполондан майдонда турган кишининг бошига кўплаб балолар етса, туфроғ бўлиб кетишдан ўзини сақлай олмайди. Ахир, бугун замину замон ҳам у гўзал отининг оёғи остида-ку! Унинг устидаги чаққон қотил маҳбуба эса одамларни девонавор ўлдиришдан тинмайди". Бироқ ошиқ ёрнинг салобатли ва ваҳимали ҳолатидан зиғирча чўчимади, балки севгилиси отининг кетидан эгасига содиқ бир ит каби югурувчи бўлди. Бераҳм ёр отига ҳар вақт ҳам етиб бўлмаслиги, қолаверса, маҳбубага яқинлашиш жараёнида улкан отнинг пўлат туёқлари остида қолиб кетишлар ошиқнинг тинка-мадорини қуритган, вужудининг абгори чиққан, қонга ботган. Бироқ ошиқ бу хил азобларга, хўрланишларга рози. Вужудидан оқувчи қони ёр тулпорига хино бўлишга арзиса шундан бахтиёр! Шу сабабли у маъшуқасидан эзилган жигарининг қонини отининг туёқларига хино қилиб боғлашни ва ҳолдан тойган ошиғига нозу ишва билан боқишни сўрамоқда, чунки ёрнинг меҳр нигоҳи чалажон ошиққа яна жон ато қилиб, бўйнига боғланган арқон каби маъшуқа отининг кетидан югуришга имкон беради. "Ҳайратул аброр"да келтирилишича, ёр отининг шиддатидан ўзини четга олганлар омон қолишаркан, бўлмаса от туёқлари остида эзилиб туфроққа айланиб кетиш ҳеч гап эмас. Ов вораси чиққан дилафгор ишқ мажнуни ўзини четга олишни хаёлга ҳам келтирмайди, туфроққа айланишдан қўрқмайди ва фарёд ила:

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил —

дейди ("кўҳкан" - тоғ қазувчи, Фарҳодга нисбат берилади). Яъни, эй бевафо дунё, маҳбубанинг висолига етишмай айрилиқ тоғида қурбон бўлсаму, жисмим туфроққа айланса, бу туфроқни хамир этиб яна мени ярат. Мен Фарҳод каби ёр билан орадаги тўсиқни — фироқ тоғини қазиб, бартараф қилиб унинг висолига етишай. Ошиқ ҳаётининг мақсад-моҳияти фироқ тоғини бартараф қилмоқ. Бу бало тоғи шунчалик улканки, уни емирмоқ учун "кўҳкан"нинг бутун умри етмаслиги ва вужуд ўша тоғда қолиб кетиши мумкин. Лекин ошиқ бу дунёга қайта-қайта келган тақдирда ҳам айрилиқ тоғини қазиб ёрга етмагунча тинчимайди. Бу манзара "Фарҳод ва Ширин" достонида қуйидагича акс этган (насрий баёни) ... Ширин тош қазилаётган ерга етиб келди... У тошларнинг орасида тош қазиётган йигитни кўрди... Хорлик тиканлари оёғига санчилган, машаққат тошлари бошини синдирган. Манглайида севги дарди, юзида мусофирликнинг гарди кўзга ташланиб турарди. Гавдасида бахтсизликдан асарлар, юзида ошнолиқдан хабарлар бор эди. Қўлидаги тешаси теша эмас, бамисоли бир гурзи бўлиб, зарбидан Элбурус тоғи тупроқ бўлгудай эди". Кўнгилнинг тузоғи бўлмиш қизнинг паришон сочлари ошиқни янада ўртаб юборди:

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгилларни,
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

"Чин" — соч жингалаги, "шикан" — синиқлик, букуклик маъноларини англатади. Мисраларда ошиқнинг ёр висолига етишиши учун маъшуқадан бошидан оёққача бўлган сочини гажак-гажак қилиб ташлаб қўйиш сўралаяпти. Чунки занжирдай соч гажаклари тоғ қазувчиларни (ошиқларни) илинтиришга тузоқ бўлар экан. Ошиқлар сочга осилиб ёр юзига — висолга эришишлари керак. Байтда лирик муболаға билан тасаввуфий мазмун ҳам йўқ эмас, яъни бу ердаги тасвирни "Лисонут тайр" достонидаги қушларнинг Семурғга қараб интилишларига қиёслаш мумкин. Юқорида келтирганимиздек, инсон сиймосидаги боғнинг (вужуднинг) абадий эмаслиги, ошиқларнинг Фарҳод қисматидан бенасиб бўлмаслигининг ғамгин ифодаси қуйидаги байтда акс этган:

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Кўнгил боғига ҳаёт бағишлаб турган гул — боғбон вужуд боғига қанчалик қарамасин, вақти келгач, боғга ҳам хазон тушади. Боғнинг саҳнига игнадан тикан қилиб хазоннинг ҳужумидан сақламоқчи бўлса ҳам, бу ишнинг уддасидан чиқолмайди. Чунки бу дунё қурилиш қонунига ҳеч ким монелик қилолмайди. Дарҳақиқат, ёр айни вақтда магрур, унинг ҳусни ва висоли умидида шайдою мубталолари бор. Бироқ бу дунёда ҳамма нарса каби ҳусн ҳам ўткинчи. Бу гўзалликни асраб-авайлаб, тадбир қилишдан фойда йўқ. Умрнинг ҳам хазони бўлади. Ва ҳеч нарса гул юзига ажин, ниҳол вужудига заифлик келишидан асрай олмайди. Бу абадий севгига мубтало бўлган ошиқнинг огоҳлантиришидир.

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Ёр сиймосини кўнгил боғида сақлаб, ҳар доим унинг ёди билан яшаган ошиқнинг висолга бўлган интилишлари бесамар кетди. Қолаверса, ҳижрон азоблари сабабли вужуд боғига хазон тушган, яъники ошиқнинг жисман ўлими яқин. Ҳабибнинг дарди оғирлигини билган маҳбуба маҳзун ёринининг олдига кеч бўлса-да ташриф буюради, унга қилган жабр-зулмларини ёдга олиб пешонасидан реза тер сизиб чиқди. Ёр юзидаги хижолат терларини кўрган ошиқ сўнгги истагини билдиради: ёрнинг юзидаги терни кўриб ўлсам, эй дўст, ўша тер — гулоб билан жасадимни юву, ёр юзига монанд гул баргидан кафан қил ва ўшанга ўраб кўмгин. Сўнгги байтда Навоий ўзига мурожаат қилмоқда:

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Яъни, эй Навоий, ёрнинг сенга қарата отган жафо ўқи жонинг макон қурган жойга (юракка) қадалган. Агар жонинг ёр ёди билан дил уйида анжуман қурса, бу қоронғу маконни ёритмоқ учун ўша ўқни ёқиб шам сифатида фойдалан, демоқчи. Навоий қаҳрамони ёрга ошиқ бўлгач, унинг сиймосини кўз қорачиғи орқали улуғ бир меҳр билан кўнгил бўстонида сақлади. Ёр мардумлик қилиш ўрнига жабру ситамни шиор қилиб олди. Ошиқ ёр зулфига илиниб висолга интилди, фироқ тоғини бартараф қилди ва кўп машаққатлар эвазига ёр меҳрига сазовор бўлди. Ғазалдаги ошиқ тақдири маълум маънода Фарҳод тақдирига ҳамоҳанг бўлди.

Хуллас, Алишер Навоий шеърияти маънолар ганжинасига ўхшайди. Унга қанчалик мурожаат қилинса, шунча янги мазмунлар, талқинлар кашф этилаверади, шу жиҳати билан ҳам бу шеърият беқиёсдир.

Эркин МУСУРМОНОВ,
филология фанлари номзоди

Hidoyat nuri

ОДАМ ОЛМОҲДАМ,

Инчунун, борлиқнинг устуни ҳам эзгуликдир. Бу дунёда барча меҳмон, ҳамма ўткинчи, бироқ яхшилик ва ҳалоллик қолади. Албатта, ҳаётда қанд еганни ҳам, панд еганни ҳам учратасиз. Бировлар бор, илму ҳикмат, ранжу заҳмат ила панд балосини қанд неъматига айлантиради. Жоҳиллар бор, қанд еяпман деб панд еганини сезмай қолади. Яна шуниси ҳам борки, имони мустаҳкам, хуштабиат, хушдил инсон умр бўйи руҳий сокинлик ва осойишталик оғушида лаззатли умр кечиради.

Имони суст, ҳасадгўй ва дили қора инсонлар ҳаловат нималигини билмай яшайдилар, зоҳиран ҳақиқатпарастдай кўринсалар-да, ботинан худбин ва манфурлик ботқоғига ботган бўладилар. Бундай кимсалар қиёфасидан ертўла захининг бадбўй ҳиди анқиб туради.

Оқил ва донишларда эса субҳи-сабо мусаффолигини, гуллар гўзаллигини, тоғ-тошлар виқорини, дарёлар шодлигини туясиз. Уларнинг суҳбати худди оби-замзам. Тўймайсиз, ичаверасиз, меҳр ташналигингиз асло қонмайди, яна ва яна шакаргуфторлик туйғусида ёнаверасиз.

Шу ўринда савол туғилади. Яхшилик ва ёмонлик, одамийлик ва худбинлик бамисоли оқ билан қора каби ажралиб турсаю нега энди табиатнинг энг заковатли мавжудоти бўлмиш инсон боласи бир қориндан тушиб, икки айри йўлни танлайди, бириси ҳидоят нурларига талпинса, иккинчиси зулматдан ҳаловат истайди?

Бу асрий жумбоқни не-не алломалару авлиёлар ҳам еча олмаганлигини шундан билиш мумкинки, ҳаттоки ҳазрат Навоийдек буюк салоҳият ва ақл-заковат соҳиби ҳам "Нега итнинг калласи мис тавоқдаю, азизларнинг боши ерда депсалур, нега замон жоҳилга ёр, доно учун тор, нега ёмонга бахт берур, яхшини бадбахт қилур?" дея нола чеккан эди.

Дунёнинг ажаб ва ажиб қилмишларини англашга бутун ҳаётини бағишлаган, пировардида ўзининг нақадар ожиз ва нотавонлигини сезган Абулқосим Фирдавсий ушбу байтни айтган экан:

Надонам, чин ҳарчи ҳасти, туи,
Жаҳонро баландию пасти туни.

Яъни билмадим, нимасан, лекин ҳар неки бор эса, бу —сенсан, дунёнинг баланду пасти—ўзингсан.

Ўзи кундузи тўқайда, кечаси отаси ёнида ётиб турди. Убайдулла сўфининг нияти холис экан, бир ҳафтадан кейин, 93 ёшида, ўз ўғли қўлида қазо қилди.

Termiz shahrining 2500 yilligi oldidan

СИБИРДАН ҚОЧГАН ҲОЖИ

ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ АВЛОДЛАРИ ҲАҚИДА

Ушбу сатрлар муаллифи мумтоз адабиётимиз вакили, муаррих, тасаввуф ва фалакиёт илмининг билимдони Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо (Боқий) Термизийнинг "Дастур ул-мулук" ("Подшоҳларга қўлланма") китобини форсчадан ўзбек тилига таржима қилган. Китоб 1997 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. Бу ноёб асарни ўқиган ва шажараларини Хожа Самандар Термизий орқали Султон Содот (бирлиги — Сайид, кўплиги — Содот, сайидлар султони) билан боғлиқлигини англаган Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Қизириқ туманларида истиқомат қилувчи буюк алломанинг авлодлари мутаржимга миннатдорчилик билдиришди, истиқлол туфайли бобокалонлари китобининг ўзбек тилида дунё юзини кўрганлигидан ниҳоятда қувонганликларини изҳор этдилар. Улар 30-йилларда боболари, оталари қатағон қилинганлиги ҳақида ачиниб сўзладилар. Қуйида сиз Термизийнинг авлодлари билан бўлган суҳбатларимиздан бирини ўқийсиз. Бу киши Хожа Самандар Термизийнинг кенжа ўғли Абдукарим ҳожининг ўғли мулла Усмон ҳожи, мулла Усмон ҳожи ўғли Убайдулла сўфининг иккинчи фарзанди мулла Зокир ҳожининг кенжа ўғли Муҳаммадихон.

—Китобингизда Сибирга сургун қилинган ўнта мулла дом-даракси йўқолган, балки улар ҳам Сибирнинг совуқ зоналарида жон таслим қилгандирлар, деб ёзибсиз, — деди Муҳаммадихон домла. — Бувимнинг (1972 йил 5 январда вафот этганлар), холаваччам Абдухолиқ Мамарасуловнинг (86 ёшда, 1978 йили вафот этганлар), отамни жуда яхши билган Абдулла ҳожи Соатовнинг, Қарши бобо, Ҳаким бобо, Хол бобо, Тошбой боболарнинг (булар ҳозир ҳаёт) айтишларича, мулла Зокир ҳожи ва амаким Шоҳбекхўжа 1937 йил куз ойларида қамоққа олинган. Амаким Шоҳбекхўжа сўроқ пайтида отиб ташланган. Отам мулла Зокир ҳожи Сибирга сургун қилинган ва 1942 йили сургундан қочиб келган. 1948 йили Чиптўрада (Тожикистон Республикасининг Шаҳринав тумани) вафот этган.

Шундай деб Муҳаммадихон домла менга отаси ҳақида ёзилган хотираларни қолдириб, хайрлашиб чиқиб кетди.

Мен 1937 йили Жарқўрғон туманида қамоққа олинган ўн учта мулла ва Хожа Самандар Термизий авлодларининг тақдирига аниқлик киритиш мақсадида юқорида исмлари эслатилган одамлар, уларнинг фарзандлари билан учрашиб, суҳбатлашдим.

Убайдулла сўфи давлати ва баркамол ўғиллари борлигига қарамасдан, бобокалони Хожа Самандар Термизийдек, ўзидан ортган моли, дон-дунларини бева-бечораларга бўлиб бериб, эгнида жанда чопон, оёғида эски кавуш, белига чилвир боғлаб юрар экан. У киши ҳам бобокалонидек бойликка ҳирс қўйишни гуноҳи азим деб билган. 1935 йили ўғиллари оталарини ҳам Афғонистонга олиб ўтишмоқчи бўлганларида, Убайдулла сўфи мен шу тупроқда туғилдим, жисмим бегона юртларда эмас, ўз ватаним тупроғига дафн этилсин, дейди.

Сўфининг етти ўғлидан бештаси, яъни Бузрук, Абдусамад, Каромат, Иброҳим хўжалар амақилари билан Афғонистонга ўтиб кетишади. Бироқ мулла Зокир ҳожи ва Шоҳбек хўжа оталари билан қоладилар.

Мулла Зокир ҳожи Бухорода мадрасани хатм этиб, 26 ёшларида ҳажга борганлар. Ҳаждан қайтгач, Коптўқай қишлоғида (ҳозирги Н.Мирзаев номидаги жамоа хўжалиги) мачитда имомлик қилганлар.

30-йилларнинг бошида коллективлаштириш баҳонасида қишлоқларда бировнинг уйи тинтилса, яна бировнинг маънавий қадрияти барбод этилди. Мулламисан, хўжамисан, демак сен халқ душманисан, деган ноҳақлик боис мулла Зокир ҳожи билан Шоҳбекхўжа қамоққа олинади. Шоҳбекхўжа сўроқ пайтида отиб ташланади. Мулла Зокир Сибирдан қочиб келгач, оиласи, дўстларига бошидан кечган мудҳиш ҳодисаларни ҳикоя қилиб беради. Биз ана шу ҳикояни у кишининг тилидан келтирдик.

—Бизни 10 киши ётган хонага қамашди. Кечаси олиб чиқиб сўроқ қилишди, уришди, тепишди... Охири, беҳуш бўлиб қолганимиздан кейин, судраб маҳбуслар ётган хонага олиб бориб ташлашди... Бу даҳшатли сўроқ бир ҳафта давом этди. Бир оқшом ҳаммамизни ташқарига олиб чиқиб, пиёда ҳайдаб кетишди. Маҳбуслар бир-биримизга суяниб, узоқ йўл юрдик. Бироздан кейин уч-тўрт қизил вагон таққан поезд келди. Биздан бошқа маҳбуслар ҳам бор эди. Не кўз билан қарайки, Бухородаги Мирараб мадрасасида бирга ўқиган бойсунлик дўстим мулла Тўра ўғли мулло Абдулло менга тикилиб турибди. Юзлари шишган, кўз косалари кўкарган... Маҳбусларнинг гаплашиши ман қилингани боис, фақат бир-биримизга тикилиб, қалбан саломлашдик.

Бизни бошқа-бошқа вагонга жойлаштиришди. Шу билан дўстим мулла Абдуллони қайта кўрмадим. (Мулла Абдулло ҳозир Термиз Давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири бўлиб ишлаётган филология фанлари доктори, профессор Аҳмад Абдуллаевнинг отаси, у киши 1942 йили Сибир зиндонларининг бирида отилган ва ўлимидан 48 йил кейин, 1990 йили оқланган).

Термиздан уч вагон маҳбус йўлга чиққан эдик. Йўл-йўлакай маҳбуслар кўпайиб, вагонлар сони йигирматадан ошди. Ўлганларни, касал бўлганларни вагондан судраб олиб чиқиб кетишар эди. Шу аҳволда чамаси бир ой йўл юрдик. Қиш, совуқ. Кечаси ҳар баракдан 5-6 киши музлаб, йигирмага яқин киши қотиб ўлиб қолибди. Эрталаб қўриқчилар келиб, татар тилида "ичларингда муллаларинг борми", деб қайта-қайта сўрашди. Ниҳоят, мен қўрқа-писа ўрнимдан турдим. "Жаноза ўқишни биласанми?", деб сўради. "Ҳа, биламан", дедим. Маҳбуслардан 10—15 кишини олиб, "буларнинг жанозасини ўқиб, дафн этинглар. Қолганлар чой ичиб бўлгач, ўрмонда ўтин кесиб, баракларни иситинглар", дейишди. Биз марҳумларни араваларга ортиб, ўрмоннинг ичкарисига, бир ялангликка олиб бордик, жаноза ўқидик ва чуқур қазиб кийимлари билан дафн этдик. Қайтаётган эдик, яна 3-4 аравада ортилган марҳумларни олиб келдилар. Шундай қилиб, мен қайтгунча бу ер ўн минглаб марҳумларни ўз бағрига олган улкан қабристонга айланди.

Орадан икки йил ўтди. Бир куни қўриқчилардан бири мени чақириб, ўзи яшаб турган баракка олиб борди. Барак иссиқ, ҳамма егуликлар бор. "Биласанми, мен сени келган кунингдан бошлаб шундай совуқда қор билан таҳорат қилиб, намоз ўқиганингдан мулла эканлигингни билган эдим, — деди у татар тилида. — Мен ҳам мулламан. Қуръон ўқиганман. Катталар билан келишиб, сени ўзимга ёрдамчи қилиб олишга кўндирдим. Энди иккаламиз шу баракда яшаймиз, бирга ишлаймиз. Қўлингдан келганча маҳбусларга яхшилик қил, яхши гапир". Шундан кейин аҳволим яхшиланди. Саломатлигим анча тикланди.

Орадан яна икки йил ўтди. 1942 йил. Бир куни шу мулла Усмон чақириб: "Мени урушга жўнатмоқчилар, сен қочишинг керак", деди. Мен ҳайрон қолдим. "Ҳайрон бўлма. Бу ерда қолсанг омон қолмайсан, ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Бир соатдан кейин Бухорога тахта ортилган вагон жўнайди. Юр", деб қўлимга бир халта қотган нон ва бир катта чойнак сув берди: "— Ҳар куни уч бўлак нон ейсан, уч қултум сув ичасан. Ундан ортиқни есанг, ичсанг, ташқарига чиқавериб, қўлга тушасан".

Вагонга бордик, қўриқчилар бизни яхши танигани учун индашмади. Мулла Усмон ортилган тахталарни назорат қилмоқчи бўлди, бир вагоннинг ўртасидаги калта-калта тахталарни олиб йўл очди, мен кирдим. Бир одам ўтирса, чўзилиб ётса бўлади. "Эсон-омон юртингга етиб ол", деб мулла Усмон мен билан қучоқлашиб, хайрлашиб кетди. Поезд жўнади. Кун санайман, 26 кун деганда, пастдан "Когон, Когон" деган сўзларни эшитдим. Кечаси секин тахталарни суриб пастга тушдим.

Оллоҳдан мадад сўраб жўнадим, йўлни мўлжаллаб кечаси юрдим. Ниҳоят бир кеча тонг пайти тўқай оралаб, капамиз томон яқинлашдим...

Тонг. Убайдулла сўфи офтобани олиб, таҳорат қилиш учун ташқарига чиқди. Қамишлар оралаб чиқиб келаётган бир қорага кўзи тушди, кўзи хиралашиб қолган. Мулла Зокир отасининг ёнига келиб, "Ота" деб товуш чиқаргунча танимади. Убайдулла ҳожи ҳам қучоқ очиб, ўғли томон интилди. Оғир хасталикданми, қувонганиданми, у ўғлининг қучоғида жонсиз жисмга айлангандек бўлди. Мулла Зокир отасини даст кўтариб, капага олиб кириб ётқизди. Ўзи кундузи тўқайда, кечаси отаси ёнида ётиб турди. Убайдулла сўфининг нияти холис экан, бир ҳафтадан кейин, 93 ёшида, ўз ўғли қўлида қазо қилди.

Ниҳоят, мулла Зокирнинг Сибирдан қочиб кетганлиги ҳақида органга маълумот тушади. Шу сабаб 1943 йили мулла Зокир Чиптўрага кўчиб кетади ва 1948 йили Сибирдан орттириб келган дард туфайли ўша ерда вафот этади. Мулла Зокир вафот этганда кенжа ўғиллари Муҳаммадихон икки ёшда экан.

Суҳбат давомида Зокир ҳожининг набираси Зиёдулла ҳожи завқланиб деди:

—Эй домла, мустақил Ўзбекистонни кўзларга тўтиё қилсак арзийди. 1997 йили ҳажга борганимда, Маккада истиқомат қилаётган амаким Абдуллахон суҳбатларининг бирида: "Сизларга Оллоҳнинг марҳаматлари сабаб, бахт кулиб боқди. Оллоҳ сизларга ақл-қуввати билан мустақил Ўзбекистонни барпо қилган Президент — саркор ато этди. Ўзбекистонни бутун дунёга танитди. Ҳажга гуруҳ-гуруҳ бўлиб келаётган ватандошларимизни кўриб, кўз ёшларимиз маржон-маржон бўлиб тўкилади", дедилар.

Зиёдулло ҳожи сўзларидан суҳбат аҳли юзига табассум инди.

Жаббор ЭСОНОВ,
Термиз Давлат университети ўқитувчиси

Одамийлик абадий

Бас шундай экан олим кишилар ёмонлик, ёвузлик йўлига ғов бўлиб, бу иллатларнинг дилдан-дилга, авлоддан-авлодга тарқалишининг олдини олиш тўғрисида мушоҳада қилмоқлари фойдалироқдир. Инсон доимо нурга талпинади, нур бор жойда албатта соя кўринади. Демак, эзгулик-бу борлиқ, бу—ҳаёт, бу—гўзаллик. Қолган ёмон хислатлар гўёки соядай гап. Илм ва заковат жам бўлган жойда сояга ўрин қолмайди. Шундай экан, ҳар биримиз мен нурман, соя бўлишни истамасман, мен одамман, одамийлик ҳикматига содиқман, аҳли донишманд, ёвузликка эрк бермасман, улуғман, улуғларга хос тадбир тутурман, дея мулоҳаза билан яшамоғи даркор.

Шу топда айрим биродарлар кўнглида бир андиша уйғонган бўлса ажаб эмас. Яъниким, нур бор эканки, демак, соя эргашаверса, яхшиликнинг томоғида ёмонлик панжаси турса, қалбимизга Роббимизнинг ишқини солган Набийи Акрамни ёдга олганимиз ҳамон бир лаҳза бўлсада Абу Жаҳл, Абу Суфён, Мусони эслаганимизда эса Фиръавн хаёлимизга келса, алалхусус ёмонларнинг номи ҳам абадий экан-да?.

Ҳақ гап. Бироқ бу ҳақиқат учун мезон саналмайди. Зотан, биз яхшилар ҳисобига ёмонларни дилимиздан ўтказамиз, илло аксинча эмас.

Биз ҳамиша нурни қадрлаймиз, асло сояни эмас.

Яхшилик, одамийлик — бу ёруғлик. Ёмонлик, жоҳиллик эса бамисоли кўланка. Кўланканинг умри ёруғликка тобедир.

Хулоса шуки, ҳар кимнинг омонат умри қуёш янглиғ ёниб, нурга йўғрилиб ўтсин, ўзидан лазиз ном, солиҳ амал, яхши иш қолдирсин. Ана шунда инсоннинг иккала дунёси ҳам обод бўлади. Зотан, жонимиз ва имонимиз эгаси Ҳақ таоло бундай ҳукм чиқарган: "Эй одам фарзандлари, мен сизларнинг хусни сувратларингга ва мол-дунёларингга боқмасман, балки дилларингга ва қилган амалларингга боқурман". (Ҳадиси Қудсий).

Демак, токи танда қон гупириб, ақл-заковатимиз онгимизни тарк этмаган экан, фақат одамийлик фазилатларини қарор топтириш, бир-биримизга яхшиликдан сабоқ бериш, биродарлар дилини масрур, қалбларини шодхуррам этиш ниятида яшамоғимиз иноятлидир.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

Жуманазар Бекназарнинг ушбу китобида она ва фарзанд саломатлиги, уларни таъминлашда отанинг, жамиятнинг ўрни ҳақида сўз юритилади.

Jurnallarning yangi sonlarida

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ БИЛАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларидаги маънавий-маърифий фикрлар асосида яратилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи барча ўқитувчиларга ёшларни мустақиллик ғоясига содиқ, ватанпарвар, фидойи қилиб тарбиялаш ва билим беришда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Шу маънода жорий ўқув йилининг учинчи чорагидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасига киритилган "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанини ҳамда «Одобнома», «Ватан туйғуси» ўқув фанларини ўқитишда зарур бўладиган ушбу рисоланинг "Таълим тараққиёти" ахборотномаси (2000 йил 6(9)-сон)дан ўрин олганлиги ҳамда унинг кўп нусхада кенг ўқитувчилар оммасига етказилганлиги аҳамиятга молик. Яна шуни айтиш жоизки, ХТВ томонидан: "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи асосида дарс ишланмалари ва методик тавсияларни тайёрлаш, чоп этиш ва таълим муассасаларига етказиш; "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув дастурлари асосида дарслик ва методик қўлланмалар яратиш ва бир қатор вазифалар режалаштирилганлиги ҳақида ҳам ахборотномадан билиб олиш мумкин бўлади.

Шунингдек, ўқувчилар журналда ХТВнинг миллий истиқлол ғоясини таълим мазмунига жорий этиш тадбирлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарори, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ёшларни билимли, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда ҳар хил норасмий диний оқимлар таркибига кириб қолиш ҳолларининг олдини олишда мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан 2000-2005 йилларга мўлжалланган тадбирлари дастури билан танишадилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ахборотномадаги барча дастур, қарор ва тадбирлар ижтимоий онг ва тафаккур осонликча ўзгариб, янгича дунёқараш ҳам осонликча шаклланмаслигини уқишга кўмаклашади.

Ш.НИШОНОВ

МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИК МЕЗОНИ

"Халқ таълими" журналининг ўтган 2000 йилги 6-сони нашрдан чиқди. Журнал мундарижасини кузатаркансиз, ушбу сонда ҳам ёшларнинг маънавий камолотини таъминлаш масалаларига бағишланган мақолалар салмоқли ўрин тутганининг гувоҳи бўласиз. Улар орасида фалсафа фанлари номзоди Гулмира Туленованинг "Соғлом авлод тарбиясининг маънавий негизи" мақоласи алоҳида ажралиб туради. Муаллиф ёшларга "Ватан тараққиёти эҳтиёжларини англатиш, шу мақсадда меҳнат қилишга ўргатиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир", деб жуда тўғри таъкидлайди. Ривожланган мамлакатни барпо этиш учун аввало ёшларнинг билими чуқур, дунёқараши кенг, тафаккури соғлом бўлиши керак. Орамизда бундай ёшлар кўп, мустақиллик туфайли улар олдида тобора кенг уфқлар очилган.

Маълумки, маънавий гўзалликнинг асоси ҳам, бойитувчиси ҳам, ўлчов мезони ҳам билимдир. Агар инсон оиладаёқ тўғри тарбия олса, ҳаё, ҳурмат, андиша нималигидан хабардор бўлиб, бу фазилатларни қалбига сингдиради. Бундай одамнинг бойлиги моддий кучқудратида эмас, балки ички руҳий, аҚлий гўзаллигидадир.

Шунингдек, "Халқ таълими"нинг мазкур сонида Манзурат Холматованинг "Жаҳон тан олган Ўзбекистон таълим тизими", Иброҳим Каримовнинг "Илм эзгуликка хизмат қилсин", Даврон Раззоқовнинг "Меҳнат таълимида рейтинг тизими", Турғун Азларовнинг "Ахборотга оид назорат ишлари", Йўлдош Бобохоновнинг "Камолотнинг олтин бешиги", Анвар Ҳайитовнинг "Дастурли методик таъминотни яратиш босқичлари", Жамолиддин Шарофиддиновнинг "Исботлашдаги оригиналлик" Мамадмусо Мамадазимовнинг "Гуманитар йўналишдаги академик лицейларда астрономия" каби қизиқарли мақолалари билан ҳам танишасиз.

А.ХЎЖАМОВ

Maktab kutubxonasiga

ШИФОКОР ЖУРНАЛИСТНИНГ КИТОБИ

Газетамизнинг доимий ўқувчилари ва барча зиёлиларга Жуманазар Бекназар номи яхши таниш. Уни тажрибали шифокор, билимли журналист, кенг қамровли олим сифатида биладилар. 2000 йили "Маърифат" саҳифаларида ижодкор олимимизнинг "Юксалиш мезони" туркум мақолалари эълон қилинган ва бу яхшигина шовшувли воқеа бўлган эди. Яқинда Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида шифокор-журналистнинг "Она ва бола таянчи" деб номланган китоби нашрдан чиқди. Оналар ва болалар йилига бағишлаб чиқарилган бу китобнинг асосини "Маърифат"да эълон қилинган туркум ташкил қилади.

Рисолада муаллиф соғлом авлод етиштириш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан тадбирлар ҳақида аниқ фактик мисоллар ёрдамида фикр юритади. Китобда она ва болани муҳофаза этиш, уларнинг соғлом ва баркамол ўсишлари учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида ҳам аниқ-равшан йўллар, тавсиялар, фойдали маслаҳатлар кўрсатиб берилган.

Ўзбек — болажон халқ. Меҳрини, муҳаббатини, бор эзгуликларини фарзандига тилайди. Унинг униб-ўсиб, авлодини давом эттириши, яхши, соғлом инсон бўлиб келажакка эгалик қилишини истайди. Табиий, боланинг келажаги, соғлом бўлиб туғилиши, униб-ўсиши энг аввало, онага боғлиқ. 2001 йил юртимизда Оналар ва болалар йили, деб эълон қилинганининг сабаби ҳам шунда.

Жуманазар Бекназарнинг ушбу китобида она ва фарзанд саломатлиги, уларни таъминлашда отанинг, жамиятнинг ўрни ҳақида сўз юритилади. Бу — долзарб масала бўлиб, миллат келажаги учун ўта аҳамиятли эканлиги кўрсатиб берилади.

Китоб шифокор-олимнинг кенг қамровли илми ва сўзни нозик ҳис қилувчи ижодкор қобилияти уйғунлашувининг маҳсули. Рисоладан кенг китобхонлар оммаси, талаба ёшлар қўлланма сифатида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Китоб 5000 нусхада чоп қилинган.

Ҳ.НИШОНОВ

ЧИМИЛДИҚ СИРЛАРИ

Миллий матбуот марказида таниқли шифокор-андролог, ишқшунос олим Ўктам Муҳаммад Муроднинг "Чимилдиқ сирлари" туркумидаги тўрт китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан олим, ижодкор ва жамоатчилик вакиллари, жумладан, Ҳожи Сайфиддин Сайфуллоҳ, Ражаб Исроилов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шуҳрат Ислом Шайх, Нормурод Нарзуллаев, Баҳриддин Умрзоқов мавзунинг ўта нозик ва долзарблиги, Ў.М.Мурод масалага шарқона одоб билан, Қуръон ва ҳадисларга таяниб ёндошгани, китобларнинг муваффақиятлари ҳақида сўзлаб, муаллифни рағбатлантириш, унга илмий даража бериш таклифини айтдилар.

"Чимилдиқ сирлари" 4 китобдан иборат. Биринчиси — "Гўшангага ёруғ йўл". Китобда фарзандларимизнинг жинсий тарбиясини қачондан бошлаш кераклиги, жинсий тарбия алифбоси, баъзи бир руҳий-маънавий бузилишлар, улар оқибатида юзага келувчи касалликлар ҳақида сўз боради. Уларнинг олдини олиш, ёшларни турмушга тайёрлаш юзасидан йўл-йўриқлар берилади.

Иккинчи китоб — "Никоҳнинг биринчи кечаси" деб номланган. Китоб инсон ҳаётининг энг ҳаяжонли, сурурли лаҳзалари ҳақида бўлиб, тиббий ўгитлар шаръий, миллий ахлоқий қадриятларга асосланган.

"Эркакнинг иккинчи юраги" китобида эр киши вужудидаги энг муҳим аъзолардан бири, "иккинчи юрак" деб ҳам аталадиган простата бези ҳамда у билан боғлиқ касалликлар хусусида сўз юритилган. Улар келтириши мумкин бўлган оқибатлар, касалликнинг олдини олиш, даволаш юзасидан маслаҳатлар берилган.

Туркумнинг тўртинчи китоби — "Зино исканжасида". Китобда турли хил зарарли одатлар, жинсий бузуқликлар, юқумли жинсий хасталиклар оқибатлари, уларнинг инсон жисмоний-жинсий ва маънавий ҳаётига ҳалокатли таъсири ҳақида сўз бориб, улар ҳаётий мисоллар билан кўрсатиб берилган.

Кўп нарсалар каби жинсий ҳаёт, жинсий тарбияга Ғарб ва Шарқ қарашларида ўзига хосликлар мавжуд. Ушбу мўъжаз рисолаларда муаллиф бу нозик масалага шарқона одоб билан ёндошгани, замонавий тиббиёт билан аждодларимиз мероси — қадриятларимиз ҳамда муқаддас Қуръон ва пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига таяниб, уларни уйғунлаштириб фикр юритгани аҳамиятли.

Китоблар ёш, истеъдодли ижодкор Санжар Назар муҳаррирлигида "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа марказида чоп қилинган.

Ҳусан КАРВОНЛИ

HALOLLIK

(O'zbek xalq ertagi)

O'tgan zamonda bir dehqon bo'lgan ekan. Uning kambag'al oshnasi bor ekan. Kunlardan bir kuni u dehqondan bir tanob yerini sotishni iltimos qilibdi. Dehqon yerning bir chekkasidan ajratib, kambag'al oshnasiga sotibdi.

Yerni olgan odam jo'jabirdek jon ekan. U yer sotib olganidan juda suyunibdi. Bir qalin og'aynisidan qo'sh, ho'kiz olib kelib, yerni bir marta haydab chiqibdi. U ikkinchi marta haydaganida, bir nima omoch tishiga tegibdi. Dehqon parvo qilmay, haydayveribdi. Qaytib o'sha yerga kelganida, omoch tishi yana haligi narsaga urilibdi. Kambag'al dehqon: "Ilgari bu yerda daraxt bo'lgan, uning to'nkasi qolib ketgan, shekilli", deb o'ylabdi-da, ketmon olib kelib, omoch tishiga qadalgan narsani kavlay boshlabdi. Nihoyat, u yerdan xumcha chiqibdi. Uni ochib qarasa, ichi to'la tilla emish. Dehqon yerning qolgan qismini ham haydab, urug'ini sepibdi. So'ng ho'kizlarni egasiga topshirib, o'zi uyiga bormay, xumchadagi tillani ko'tarib, to'g'ri yer sotgan dehqon oshnasining uyiga boribdi. U oshnasiga:

— Sizdan olgan yerimni haydayotgan edim, mana shu xumchani topib oldim. Shu tilla sizniki ekan, uni sizga olib keldim, — debdi.

Dehqon kambag'alga:

— Men sizga o'sha yerni sotganman. Shu yerda nimaiki bo'lsa, u sizniki bo'ladi. Men yerning ichida tilla borligini bilmaganman. Sizga xudo beribdi. Bola-chaqangiz bilan maza qilib yeng, — deb xumchani olmabdi.

Kambag'al dehqon esa: "Bu boshqa kishining moli. Uni olsam, o'g'ri, jinoyatchi bo'lib qolaman", deb o'ylab, yana xumchani boy dehqonga uzatibdi. Ular ikkalasi hech kelisha olmabdi. Nihoyat, ular masjidga boradigan, u yerdagi odamlardan so'rab, bu ishni hal qiladigan bo'lishibdi...Ular:

"Bo'lmasa, qishloqdagi yetim-esir va beva-bechoralarga bo'lib beringlar", deb maslahat berishibdi. Bunga dehqon ham, kambag'al ham rozi bo'libdi. Shunday qilib, ular tillani qishloqdagi beva-bechoralarga, kambag'al, yetim-esirlarga bo'lib berishibdi.

Kambag'al dehqon esa, o'z mehnati bilan halol kun ko'rib, murodu maqsadiga yetibdi.

TEST SAVOLLARI

1. Birinchi qor avval qayerga tushadi?
A. Shaharga.
V. O'rmonga.
D. Toqqa.

2. Qish kelgach, qaysi hayvon uyquga kiradi?
A. Tulki.
V. Ayiq.
D. Quyon.

3. Qishda qaysi daraxt yaproqlarini to'kmaydi?
A. Olma.
V. Yong'oq.
D. Archa.

4. Qachon tun uzun bo'ladi?
A. Yozda.
V. Qishda.
D. Bahorda.

5. Yangi yilda ko'proq kimdan sovg'a kutasiz?
A. Adangizdan.
V. Oyingizdan.
D. Qorbobodan.

MAQOLLAR

1. *Ish ishtaha ochar,*
   Dangasa ishdan qochar.
2. *Ish bilganga ming tanga,*
   Bilmaganga ne tanga.
3. *Qolgan ishga qor yog'ar.*
4. *Bekor turguncha-bekor ishla.*
5. *Mehnat-mehnatning tagi rohat.*
6. *Mehnatdan qo'rqma,*
   Minnatdan qo'rq.

TOPISHMOQLAR

1. Kechasi och turadi,
Kunduzi to'q yuradi.
(Poyafzal)

2. Kechalari ochilar,
Osmon bo'ylab sochilar.
(Yulduzlar)

3. Barkash qo'yib boshiga,
Qarar doim quyoshga.
(Kungaboqar)

4. Eng oldinda qichqirib
Yo'l boshlaydi onasi,
Qo'l ushlashib
ketma-ket
Yugurgilar bolasi.
(Poyezd)

5. Kundalik tarix o'zi,
Har yerda uning so'zi
(Gazeta)

6. Umr bo'yi yozsam ham
Sira savodim chiqmadi
(Qalam)

SHAMOL BILAN SUHBAT

Ko'zimni osmondan olganim bir payt
Xayolim uchadi shamollar kabi.
Shamol-la quraman ajib bir suhbat,
Sevinchim toshadi shamollar sari.

Jilovsiz hislarim kun sari uchar,
Shamolni ko'raman har yerda ildam.
Uning zarblaridan bulutlar uchar,
Shamol-chi, gullarga qo'nadi har dam.

Bulutlar oralab kirib ketdi oy,
Shamol to'xtadi-ku, sekin va asta.
Uyquga ketgandir ular hoynahoy,
Qo'limda qolibdi gullar bir dasta.

Shohista ERGASHEVA,
Zomin tumanidagi 2-maxsus maktab o'quvchisi

OSMON

Osmon olis, osmon jim,
Bu osmonga chiqqan kim.
Osmon doim ko'm-ko'kdir,
Chegarasi hech yo'qdir.

Osmon doim musaffo,
Ko'ki tinchlik bildirar.
Quvonchga quvonch qo'shib,
Do'stlik nishonin berar.

Ravshan MATMUSAYEV,
Sirg'ali tumanidagi
300-litsey- maktabning
6-sinf o'quvchisi

OYMOMOJON

Oymomojon, oymomo —
Osmonning malikasi.
Dunyoga nur sochguvchi,
Falak uyin bekasi.
Oymomojon, oymomo,
Bahri dilim ochasan.
Quyosh bobo ketgan so'ng
Olamga nur sochasan.

Sharofat MUHIDDINOVA,
Urgut tumanidagi
74-maktabning
4-sinf o'quvchisi

VOY TISHIM

Og'rib qoldi bir tishim,
Uyda qoldi ko'p ishim.
Maktabdagi o'qishim,
Og'rib qoldi «voy» tishim.

Chiday olmay og'riqqa,
Vrachga bordim tikka.
Ko'rib qo'yib bor tishim
Ob tashladi bir tishim.

Ey, o'rtoqlar, bolalar,
Tog'dagi gul lolalar,
Ko'p shirinlik yemangiz,
Voy-voy tishim demangiz.

Umida ISMOILOVA,
Sirg'ali tumanidagi 322-maktabning 3-sinf o'quvchisi

Бундай терминлар ўрнига маъно жиҳатидан мос тушадиган муқобил сўзларни топиб, тавсия этиш жасорат ва кашфиёт эди.

Xotira

ГЕОГРАФ ОЛИМ

Нўъмон Долимовнинг қизғин фаолияти компартиянинг руслаштириш сиёсати авжига минган даврига тўғри келди. Ҳар қандай мажлис, ҳатто талабаларнинг йиғилишлари ҳам рус тилида ўтар, курс ва диплом ишлари ҳам рус тилида ёзилар, ўзбек гуруҳларида ҳам маърузалар рус тилида олиб борилар эди. Фақат Нўъмон Долимов маърузаларни ўзбек тилида ўқирди. У киши рус тилини яхши билганликлари учун русий забон профессор-домлалар ҳам, раҳбарлар ҳам эътироз билдиролмасдилар.

Тил қатағонлиги йилларида ўзбекча китоблар, дарсликлар, қўлланмалар яратиш, русча дарсликларни ўзбеклаштириш устида бош қотирган ва бу соҳада илк қадамлар қўйган биринчи зиёлилар орасида Нўъмон Долимов бор эди. Унинг М.Қориев, Ҳ.Ҳасанов ва бошқалар билан ҳаммуаллифликда ёзган "Ўзбекча географик тушунчалар луғати" (1953 йилда) ўша пайтларда илм-фан аҳлига жуда асқотди. Гап шундаки, ўша вақтларда география, геологияга оид атамаларнинг аксарияти русчада қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинган эди. Бундай терминлар ўрнига маъно жиҳатидан мос тушадиган муқобил сўзларни топиб, тавсия этиш жасорат ва кашфиёт эди.

Нўъмон Долимов ўзбек тилида яратилган биринчи география атласининг асосчиларидан биридир.

Таржимонлик бобидан ижоди намуналари сирасига В.А.Обручевнинг "Умумий геология", С.В.Калесникнинг "Умумий ер билими", Ю.А. Кузнецовнинг "Геология" китобларини киритиш мумкин.

Мактабларда асосан СССР географияси ўргатилиши, Ўзбекистон географиясига умуман эътибор берилмаслиги, бунга борйўғи 4-5 соатлик дарс ажратилгани олимни ташвишлантирарди. Ўзбекистон географияси учун соатлар сонини кўпайтириш ва бунга оид дарсликни яратиш учун астойдил курашганлар орасида Нўъмон Долимов ҳам бор эди.

"Ўзбекистон табиий географияси" (7-синф учун), кейинчалик "Ўзбекистон иқтисодий географияси" дарсликлари олим ижодий изланишлари маҳсулидир.

Ўша даврда университет ўқув дастурларига "Ўрта Осиё географияси" (кейинчалик "Туркистон географияси") киритилиб, ўқитилиши ҳам қаттиқ курашлар натижаси эди.

Ҳозирги Миллий университетнинг география факультети Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда йирик географик тадқиқотлар маркази ҳисобланади. Мазкур илмий марказни ташкил этишда, унинг фаолиятини бошқаришда, самарали илмий ишларнинг нашр қилинишида, олий ва ўрта махсус таълим учун луғатлар тайёрлаш ва чоп этишда, Ўзбекистон географияси бўйича мактаблар учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишда факультетга деканлик қилган Н.Долимовнинг хизмати

катта бўлган.

Ҳозирги кунда факультетда 6 нафар фан доктори, 30 га яқин фан номзоди меҳнат қилмоқдалар. Буларнинг деярли барчаси устоз Н.Долимовнинг шогирдларидир.

Факультетнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида 500 га яқин талаба таълим олмоқда. Улар халқаро илмий кенгашларда фаол иштирок этишяпти. Жумладан, 4 нафар талаба ўтган йили сентябрь ойида Германияда бўлиб ўтган нуфузли анжуманда иштирок этишди.

1939 йилдан бери факультет 16 минг нафар кадрни тайёрлаб берди. Нўъмон Долимов маҳаллий миллат вакилларидан кўпроқ кадрлар тайёрланишини, маърузаларнинг ўзбек тилида бўлишини, ўзбекча дарсликлар ва қўлланмалар яратилишини, ўлкашунослик материалларига кўпроқ ўрин берилишини умр бўйи орзу қилган ва бунга интилган эди. Бугунги кунда у кишининг орзулари ортиғи билан ушалди, деб бемалол айта оламиз.

Суюн ҚОРАЕВ,
география фанлари доктори, профессор
Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,
ЎзМУ география факультети декани, география фанлари номзоди, доцент

МАЗМУНЛИ УМР

Устоз Суннат Исломовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида бундай дейишга асосим бор, деб ўйлайман. Зеро, у киши билан докторантурада бирга илмий-тадқиқот ишларини олиб борганмиз, у кишининг илмий ва ҳаётий маслаҳатларидан кўп фойдаланганман. Унинг меҳрини, инсонийлик ҳислатларини ҳаётда кўрганман, ҳис қилганман. Ушбу сўзларни ўқиётган газетхон бу инсонни мўйсафид деб ўйлаган бўлиши ҳам мумкин. Суннат ака 46 йил умр кўрди. У ҳали жуда ёш эди. Лекин ўлимнинг бешафқатлиги шундай пайтларда аён бўлар экан.

Суннат ака Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Жувозхона қишлоғида туғилганлигини, 1961-71 йиллар давомида ҳозирги 14-ўрта мактабда ўқиб, имтиёзли тугатганлигини, сўнгра СамДУда таҳсил олганлигини кўп бора гапириб берганди. Шу боис илмий-педагогик изланишларини СамДУни тугатгач, оддий мактабда бошлаганлигини, қаерда бўлса-да илмий изланиш олиб бориш мумкинлигини, бунга фақат ҳаракат лозимлигини таъкидларди.

Кейинчалик у СамДПИ физика-техника факультетида ўқитувчилик қилди.

С.Исломов 1981-85 йилларда Москва нозик технологияли химия институтининг "Қаттиқ жисмлар физикаси ва химияси" кафедрасида илмий-тадқиқотчи сифатида илмий ишни бошлаб, кейин кундузги бўлим аспирантурасида таҳсил олди. Ва 1985 йилда ярим ўтказгичлар ва электронлар техникаси материаллари мутахассислиги бўйича номзодлик ишини ёқлади. Кейин яна юртга қайтиб, қадрдон СамДУ физика факультетида талабаларга сабоқ берди.

Бироқ илм сеҳри кўпроқ ўзига жалб қилар, кўпроқ ўз устида ишлар, ўрганар, Ўзбекистон учун зарур, лекин ноёб бўлган соҳада илмий ишлар олиб боришга интиларди.

Юртимиз мустақилликка эришгач шу ният уни ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг "Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси" ихтисослиги бўйича докторантурасига етаклади. Унинг илмий мавзусини ҳатто айрим мутахассислар ҳам қийинчилик билан ўқишади. Сиз ҳам уни ўқиб кўринг-а: "Изовалент киришмалар билан лигерланган $A^3Б^5$ ярим ўтказгич бирикмаларнинг физикавий-химиявий ва технологик хусусиятларини ўрганиш". Докторантурадан сўнг илмий фаолиятини олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтида етакчи мутахассис сифатида давом эттирди. Мана шу илмий изланишлар натижаси 35 га яқин мақола ва муаллифлик гувоҳномаси, илмий тўплам ва маърузаларда акс этган.

Суннат ака жуда камтар, куюнчак олим, устоз, меҳрибон, оилапарвар, самимий инсон эди. Бировнинг кўнглига оғир ботадиган гапларини бирор маротаба эшитмаганман. Ва ундан бундай хислатларни кўпчилик олишга интиларди.

Суннат ака докторлик ишини ёқлашга улгурмади. Ширин-шакар фарзандларининг роҳатини кўролмади. Лекин унинг бу қисқа умри жуда мазмунли ўтди. Унинг ишлари шогирдлари, фарзандлари фаолиятида давом этади.

А.ШАПСАНОВ

ИЛМДАН НУРАФШОН ҲАЁТ

Усмон Умаров 1931 йил Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Тангидара қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилган. Отаси Умар Холмуродов ва онаси Ҳурдона Қулмуродовалар ўқитувчи бўлганлар. 1942 йилда онаси вафот этади, отаси эса урушга кетади. 11 ёшли Усмон, укалари Раҳмон, Наима ва Неъматжонларни аммаси ўз тарбиясига олади...

Усмон Умаров 12 ёшиданоқ қишлоқдаги жамоа хўжалигида ишлайди. Аммо мактабда ўқитувчилар етишмаслиги сабабли аълочи ўқувчиларни Шеробод тумани марказидаги 1-сон ўрта мактаб қошида очилган ўқитувчилар тайёрлаш курсига юборишдилар ва уни аъло баҳолар билан тугатган Усмон 14 ёшида ўз қишлоғига ўқитувчи бўлиб қайтади. Кейинчалик Термиз шаҳридаги педагогика билим юртини, кейин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини аъло баҳолар билан тугатди.

Усмон Умаров Ангор туманидаги Менделеев номли ўрта мактабда тарих ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Сўнгра Низомий номидаги педагогика институти аспирантурасида ўқиди ва Сурхондарё вилоятида биринчи бўлиб иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

У 1965 — 1973 йилларда Низомий номли Давлат педагогика институти "Сиёсий иқтисод" кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади.

Сўнгра "Ўқитувчи" нашриётида ижтимоий-иқтисодий, тарих ва юридик адабиётлар редакцияси мудири ва айни пайтда Тошкент чет тиллар институтида доцентлик лавозимларида фаолият кўрсатди. Кейинчалик Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бўлим бошлиғи ва Тошкент маданият институтида доцент бўлиб ишлади.

У кўплаб дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар муаллифи, профессор К.Юсупов билан ҳамкорликда "Сиёсий иқтисод асослари" дарслигини ёзди ва у профессор А.Ўлмасов таҳрири остида чоп этилди.

У.Умаров Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб халқ таълими иқтисодиёти муаммолари билан шуғулланди ва 1982 йилда академик Саид Шермуҳаммедов таҳрири остида унинг "Маориф экономикаси асослари" қўлланмаси чоп этилди ва у ҳозиргача Ўзбекистонда яккаю-ягона қўлланма ҳисобланади.

Домла У.Умаров айни пайтда Термиз давлат педагогика институтининг иқтисодий назария, молия ва ахборотлар технологиялари кафедраларида профессор ва кафедра мудирлиги лавозимларида ишлаб келмоқда.

Профессор У.Умаров Термиз давлат педагогика институтида ва университетда ишлаган йилларда у илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишда юксак малакали, ишчан мутахассис эканлигини кўрсатди, мактаблар билан алоқани мустаҳкамлашда, малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда ўзининг ҳиссасини қўшди. У илмий ишлар бўйича проректор бўлган даврда 70 га яқин фан номзоди ва 12 та фан доктори, профессор тайёрланди, 2 та илмий лаборатория ташкил этилди.

Профессор У.Умаров ҳар томонлама баркамол, диёнатли, тарбияли, билимдон кадрлар тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш мақсадида янги-янги педагогик технологияларни ўқув жараёнида татбиқ этишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Унинг шогирдлари ҳозирги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар, улар орасида академиклар, фан докторлари, фан номзодлари бор.

Профессор У.Умаров камтар, хушмуомала ва моҳир педагог сифатида эл-юрт ва жамоанинг, талабаларнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

Ю.ВАЛИҚУЛОВ,
Э.ЭСАНҚУЛОВ

ЕР ЮЗИДА

Кейинги кунларда "Исроил бош вазири лавозимига ким сайланиши мумкин?" - деган савол атрофида турли талқинлар юзага келди. Бунга сабаб, арабларнинг Барак жанобларининг ҳукумат тепасида қолишига хайрихоҳли ва аксинча, дастлабки сўровларга кўра аҳолининг 52 фоизи Шарон учун овоз беришга тайёр эканлигидир.

Ҳиндистонда юз берган зилзила оқибатлари ҳақидаги хабарлар кун сайин даҳшат қиёфасини намоён этмоқда. Қурбонлар сони ўттиз минг нафарга етган. Озиқ-овқат, дори-дармон каби инсонпарварлик ёрдамлари бу юртга турли давлатлардан келиб турибди.

***

Шу ҳафта бошларида серблар ва этник албанлар ўртасидаги тўқнашув натижасида икки нафар албан(улардан бири 15 ёш)нинг ҳалок бўлиши жиддий муаммога олиб келди. Кескин тус олган намойиш қатнашчиларини тарқатиш учун БМТ тинчликпарвар кучлари кўздан ёш оқизувчи гранаталардан фойдаланишга мажбур бўлган.

***

АҚШ Кубага нисбатан қўллаб келаётган иқтисодий эмбарго мамлакат раҳбари Фидель Кастро истеъфога чиқмагунича давом этиши ҳақидаги хабарни Америка вице-президенти Ричард Чейни тарқатди.

***

Россиянинг Оттавадаги вакили А.Князев автоҳалокат содир этганликда айбланиб, тергов жараёнларига тортилган. Рус дипломати бошқариб бораётган автомобиль икки канадалик фуқарони уриб кетган, улардан бири воқеа жойида ҳалок бўлган.

***

Эрон хавфсизлик вазирлигининг собиқ жосуслари устидан кечган ёпиқ суд жараёнлари ниҳоясига етди. Айбланувчилардан уч нафари олий жазога, беш нафари умрбод қамоқ жазосига лойиқ топилди. Улар асосан, бир қатор муҳолифат гуруҳлар етакчиларини ўлдирганликда айбланишган эди.

НОБЕЛ МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ

Ҳар йили 21 октябрь, яъни Алфред Нобел таваллуд топган куни, янги мукофот соҳибларининг номлари эълон қилинади. Хўш, бундай бообрў мукофотга номзодлар қандай ва кимлар томонидан аниқланади? Нобел жамғармасининг Низомига биноан мукофот соҳиблигига даъвогарларни рўйхатга олиш ва улар ичидан муносиб номзодларни танлаб олишдай муҳим тадбирлар жамғарма институтлари қошидаги қўмиталар томонидан амалга оширилади. Ушбу қўмиталар аъзоларига ваколатлар берувчи мандатлар уч йилдан беш йилгача муддатга берилади.

Йил бошида Нобел қўмиталари томонидан жаҳондаги таниқли олимларга янги номзодлар тўғрисида маълумотлар беришлари учун, сўровномалар жўнатилади. Стокголмдаги Швеция Фанлар Академияси аъзоларининг барчасига янги номзодлар тўғрисида таклифлар киритиш имконияти берилган. Худди шундай ваколатдан яна саккизта Скандинавия давлатлари университетларининг профессорлари ва барча Нобел мукофоти соҳиблари фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Номзодлар тўғрисидаги таклифлар йилнинг 1 февралига қадар жамғармага топширилиши шарт. Ана шундан сўнг қўмиталарда дастлабки танловлар ўтказилади ва шу тариқа 30-40 номзод танлаб олинади. Номзодларни ўта талабчанлик билан танлаб олиш ва уларнинг хизматларига холисона баҳо бериш жуда мураккаб масала эканлиги боис, Нобел қўмиталари аъзоларидан юқори малака ва ҳаққонийлик талаб қилинади. Танловнинг иккинчи ва асосий босқичи сентябрь ойига қадар давом этиб, октябрь ойида янги лауреатлар рўйхати Швеция Фанлар Академиясига ҳамда Каролина институтига тасдиқдан ўтказиш учун топширилади. Қўмиталарнинг мажлис ва кенгашлари тўғрисидаги маълумотлар ўта сир сақланади. Мажлис вақтида стенографик ёзувлар ўтказилмайди ва мукофот насиб этмаган номзодларнинг номлари ҳеч қаерда эълон қилинмайди.

Нобел қўмиталарининг олдида турган яна бир муҳим вазифалардан бири, йил давомида илм-фан оламида олиб борилаётган тадқиқот ва изланишларни синчковлик билан кузатиб боришдан иборатдир. Бундан ташқари, лауреатларни аниқлашдаги асосий кўрсаткичлардан бири, уларнинг нашр қилинган илмий ишларини ўрганиш ҳисобланади. Бўлажак мукофот соҳиблари ўз илмий ишларининг сермаҳсуллиги билан алоҳида ажралиб турадилар. Баъзи ҳолларда бу борада қўшимча тадбирлар ўтказишга ҳам тўғри келган. Мисол учун, 1968 йили Нобел мукофотига сазовор бўлган америкалик генетик олим Хар Гобинд Корананинг уч йиллик илмий фаолияти давомида жами 50 дан ортиқ илмий ишлар нашрдан чиққани ҳолда, улардан фақат бештасидагина унинг фамилияси биринчи бўлиб ёзилганлиги сабабли, олимнинг умумий ишдаги ҳиссасини аниқлаш учун махсус текширувлар ўтказилган. Россиялик тиббиётчи олим Иван Петрович Павловнинг фамилияси эса ўзи раҳбарлик қилган илмий лаборатория томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосида чоп этилган мақолаларда жуда кам учраган. Лекин, бу буюк олимнинг илмий салоҳиятини махсус ўрганиш учун Петербургга келган Нобел жамғармаси вакилининг ҳисоботидан сўнг, иш бўйича алоҳида текширишлар ўтказилиб, 1904 йили И.П.Павловга тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофоти берилди.

Бўлажак Нобел мукофоти соҳиблари табиатан ўзига хос қирралар билан алоҳида ажралиб турганлар ва уларнинг атроф-муҳитдаги ўзгаришларга бўлган қизиқишлари жуда эрта шаклланган. Бундан ташқари, улардаги ноёб иқтидор билан бир қаторда ўз мақсадларига интилиш ҳисси ҳам жуда юқори бўлган. 19-20 ёшида олий ўқув юртини тамомлаган бундай истеъдод соҳибларининг кўпчилиги 25 ёшида фан доктори даражасига эришганлар. Улар одатда кўзга кўринган илмий даргоҳларда ва буюк олимлар раҳбарлигида илмий изланишларини олиб борганлар. Ўз навбатида, таниқли олимлар ҳам ўзларига иқтидорли шогирдларни танлаб олишга ҳаракат қилганлар. Ёш, маҳоратли ва ғайратли олимлар ўзларига берилган қулай имкониятлардан унумли фойдаланганлари ҳолда буюк кашфиёт ва ихтиролар муаллифи бўлиб етишганлар. Замонавий квант назариясининг асосчилари ҳисобланган Луи де Бройл, Варнер Гейзенбург ва Пол Дираклар ўзларининг оламшумул кашфиётларини яратишганда ҳали 30 ёшга ҳам тўлмаган эдилар. Кўп ўтмай, уларнинг учаласи ҳам Нобел мукофоти соҳиби бўлишган.

Маълумки, устоз-шогирд муносабатлари илм-фан ривожининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу икки томонлама ўзаро ҳурмат ва ишонч авлоддан-авлодга ўтиб борувчи илмий шажарани вужудга келтиради. Бунга ёрқин бир мисол, 1953 йилда тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофотига сазовор бўлган таниқли инглиз олими Ганс Кребс ўзи ҳақида ёзганда, у 1931 йили Нобел мукофоти соҳиби бўлган атоқли олим Отто Варбургнинг шогирди эканлигини айтиб ўтган. О.Варбург ўз даврида кимёвий синтез соҳасида катта ютуқларга эришган ва 1905 йили Нобел мукофотига сазовор бўлган, Адолф Байернинг шогирди бўлган. А.Байер эса XIX аср ўрталарида яшаб ижод қилган ҳамда буюк олим Ю.Либих шогирди ҳисобланган номдор кимёгар олим А.Кекуленинг ўқувчиси эди. Ю.Либих ўз даврида Ж.Л.Гей-Люссак илмий мактабида таҳсил олган бўлса, Гей-Люссак ўз навбатида К.Л.Бертоле издоши ҳисобланади.

Дунёда шундай донги кетган илм-фан ўчоқлари борки, уларда турли вақтлар мобайнида ўнлаб Нобел мукофоти соҳиблари ўз илмий кашфиётларини яратганлар. Шундай илм масканларидан бири буюк инглиз физиги ва кимёгари Генри Кавендиш (1731-1810) номи билан аталади. Кембридж университети қошидаги бу лабораторияга қатор йиллар давомида атоқли олимлар раҳбарлик қилганлар. Жумладан, ўз даврларида Джозеф Томсон (1884-1919 йиллар), Эрнест Резерфорд (1919-1937 йиллар). Уилям Лауренс Брегг (1938-1953 йиллар) раҳбарлик қилган ушбу лабораторияда 17 нафар Нобел мукофоти соҳиблари етишиб чиққан. Машҳур италян физиги, биринчи ядро реактори ва занжир ядро реакцияларининг яратувчиси Энрико Ферминнинг издошларидан етти нафари, Эрнест Лауренс ҳамда Нилс Борларнинг тўрттадан шогирдлари ушбу юксак мукофотга лойиқ деб топилган.

Шу билан бирга, баъзида бу олий мукофот соҳибларининг ичида ўзгачароқ фазилатларга эга бўлган олимлар ҳам учраб турган. Масалан, ўта юқори босимлар физикаси соҳасида тенги йўқ олим ҳисобланган Перси Брижмен ўз шогирд ва талабалари билан жуда кам шуғулланган. У ўзининг Гарвард университетидаги лабораториясида кўпинча ёлғиз ишлашни хуш кўрган. Буюк инглиз олими, квант механикасининг асосчиларидан бири ҳисобланган Пол Диракнинг эса бирорта ҳам аспиранти бўлмаган.

Умуман олганда, Нобел мукофоти лауреатларининг ўртача ёши 39 га тенг бўлиб, бу ёш физикларда 36, кимёгарларда 39, тиббиёт вакилларида эса 41 ни ташкил этади. Энг ёш мукофот соҳиби Уилям Лауренс Брегг ҳисобланади. У ушбу мукофотга сазовор бўлганда (1915) бор-йўғи 25 ёшда эди. Энг кекса мукофот соҳиби эса кўп йиллар Миннесота университетида ўз илмий фаолиятини давом эттирган ҳамда диа ва парамагнетизм квантомеханик назариясини яратган Жон Хасбрук Ван Флек ҳисобланиб, 1977 йили Нобел мукофотига муносиб деб топилганда у 88 ёшдаги оқсоқол эди. Мукофот олишдай улуғ кунларни кутиш бўйича ўзига хос "рекорд"ни Нью-Йоркдаги Рокфеллер тиббиёт институтида фаолият кўрсатган олим Фрэнсис Нейтон Роус ўрнатган бўлса ажаб эмас. Сабаби, рак касаллигининг келиб чиқиши ва унинг сабабларини ўрганиш бўйича буюк ихтирога (1911) асос солган бу улуғ инсон, Нобел мукофотини олиш бўйича ўз юлдузли дамларини 55 йил кутди.

Нобел мукофоти лауреатлигига шу кунгача 722 нафар олим сазовор бўлган бўлиб, шундан физиклар 163 нафарни, кимёгарлар 135 кишини, тиббиёт ва физиология соҳаси вакиллари 172 кишини, адабиётчилар 98 нафарни, тинчлик соҳасидаги мукофот соҳиблари 108 ни ва иқтисод бўйича (1969 йилдан бошлаб берила бошлаган) лауреатлар сони эса 46 кишини ташкил этади.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, илм-фан чўққиларини эгаллашда ўзларининг буюк хизматларини қўшиб кетган кўплаб кўзга кўринган олимлар турли сабабларга кўра, ушбу ноёб мукофотдан бенасиб қолганлар. Ана шундай буюк кашфиётчи олимларнинг фан оламидаги тутган ўрни ва улар билан боғлиқ баъзи воқеалар тўғрисида кейинги мақолада сўз юритамиз, деб сизларни ишонтириб қоламиз.

Абдумажит ТЎРАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди,
Ўзбекистон Физика жамияти ҳайъати аъзоси

Шундай бўлгач, саломатлигимиз ҳақида ҳаммадан аввал ўзимиз қайғуришимиз керак. Соғлиқ, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир кишининг бойлигидир.

ГАП-СЎЗЛАР ҲАҚИҚАТГА ЯҚИНМИ?

Аёллар кўпинча гўзал кўриниш ниятида турли юз ниқобларини, массаж усулларини, овқатланиш ва бадантарбия машқларини бажаришни яқин атрофидаги одамларнинг гап-сўзлари, газета ва журналларда чоп этилган фойдали маслаҳатлардан билиб олиб қўллашга ҳаракат қиладилар. Баъзида тўғри ёки нотўғрилигини билмасдан туриб қилинган амаллар аёллар ташқи қиёфасига, соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Қуйида аёллар ўртасида юрадиган баъзи гап-сўзларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида билиб оласиз.

Бўялган сочларни кимёвий жингалак қилиб бўлмайди, деган фикр қисман нотўғри. Соғлом ва эластик сочлар ҳар иккала жараёнда ҳам зарарланмайди. Бироқ сочни бўяш кимёвий жингалак қилишдан икки ҳафта аввал ўтказилиши керак. Соч бўёвчи моддаларнинг сифати юқорилигига эътибор қилиш зарур. Бўялган ва кимёвий жингалак қилинган сочларни қуёш нуридан асраш лозим. Чунки сочлар мўрт бўлиб қолиши мумкин.

Тез-тез сочни қисқартириш уларни мустаҳкамлаб, тез ўсишига ёрдам беради. Афсуски, ҳақиқатга тўғри келмайдиган фикр. Дарҳақиқат, яқинда кесилган сочлар соғломдек тасаввур уйғотади. Бироқ тадқиқотлар бу фикрнинг тўғрилигини исботламади. Соч толаларининг учи турли механик ва кимёвий таъсирларда мўртлашади ва доимий равишда қисқартириб туришга молик. Бироқ бу соч ўсишини тезлаштирмайди. Соч ҳар доим узун бўлиши ва соғлом кўриниши учун ҳар икки ойда 1 сантиметрга қисқартириш лозим.

Упа остидан крем суртиш терининг бемалол нафас олишига халақит беради. Нотўғри фикр. Соғлом тери упа остидаги суюқ қатламдан зарарланмайди. Бироқ эмульсиялар ва кремлар таркибида ёғ моддалари бўлганлиги учун кечқурун юзни яхшилаб ювиш керак.

Косметик воситалардан фойдаланиш терига зарар етказади, деган фикр нотўғри. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, макияж терига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Соғлом тери - ёшимиз, соғлигимизнинг белгисидир. Доимо эътибор билан қаралган терига косметик воситалар путур етказмайди.

Совун терини қуруқшатиб юборади, дейдиганлар ҳақ. Ҳар қандай совун тери учун таъсирлантирувчи омил ҳисобланади. Совунни кўп ишлатиш терининг қуруқлашишига сабаб бўлади. Шунингдек, доимо хона ҳароратидаги сувда ювиниш керак.

Қуёш тери учун хавфли, деган гаплар асосли. Қуёш организм учун аслида фойдали бўлса-да, ажинлар пайдо бўлиши, турли пигментлар, доғлар тушишига сабаб бўлади. Шунинг учун 25 ёшдан сўнг юз ва қўл териларини махсус кремлар воситасида ҳимоя қилиш ва қуёшнинг нурлари остида камроқ юришни маслаҳат берамиз.

Ёғли тери қўшимча кремларга эҳтиёж сезмайди, дейишади. Бу фикр нотўғри. Ёғли тери - баъзи гармонларнинг меъёрдан ортиқ ишлаши натижасидир. Бироқ тери етарлича ёғ моддасига эга дейишга асос йўқ. Шунинг учун махсус кремлардан фойдаланиб туриш зарур.

Феруза ТОШМАТОВА тайёрлади.

КИЙИНИШ САНЪАТИ

Nafosat

"Чиройли кийиниш" деганда модага риоя этишигина эмас, балки шунингдек аёлларнинг уст-бошларини бир-бирига мослаб ўз қадди-қоматлари хусусиятларини алоҳида ҳисобга олган ҳолда кийинишлари тушунилади. Барчага баробар яхши ва дид билан кийиниш ҳақида бир хилда кўрсатма бериб бўлмайди, албатта.

Қадди-қомати келишган аёлларга мода журналларидаги моделларнинг ҳар бири тўғри келиши мумкин. Кўпчилик аёллар эса кийим тиктираётганларида унинг ўзларига ярашиқли бўлиши учун анча бош қотиришларига,изланишларига тўғри келади.

Тўладан келган аёлларга белнинг паст қисмидан уланган ва кенг этак бўлиб тушган кўйлаклар кийиш тавсия этилмайди. Озғин аёллар эса тор, баданга ёпишиб турадиган кўйлаклар киймасликлари керак. Агар бел юқорида бўлса, унга белбоғ тақиб ажратиб кўрсатиш ҳам хунук кўринади. Бўйни узун аёллар кўпроқ ёқали кўйлак кийганлари маъқул. Бўйни калта аёлларга тик ёқали ва бўйин атрофидан ўйилган кўйлаклар ярашмайди.

Кийимнинг чиройли, модада ва қулай бўлиши учун у қаддиқоматга ўз чизиқлари, мутаносиблиги, шакли (контур сурати) ва безаклари билангина эмас, яна ранги, расмлари, гули билан ҳам мос бўлиши керак. Аёллар кўпинча кийимлар рангини ўзларининг кўз, соч ва тери рангларига мослаб оладилар. Газламаларни харид қилаётганда уларнинг кўпчилиги кундузги ёруғликда ярақлаб кўзга ташланишини, сунъий ёруғликда эса ҳар хил бўлиб товланишини ҳам ёдда тутиш керак. Турли-туман катакли, йўл-йўл газламалар ўзига хос кўринишга эга бўлса ҳам, лекин уларни бирга кийиш тавсия этилмайди. Бўйламасига йўл-йўл бўлиб тушган газламалар аёлларнинг қадди-қоматини озғин, ҳам бўй-бастини узайтириб кўрсатади, демак, уларни тўладан келган аёлларга кийишни тавсия этиш мумкин. Аксинча, озғин ва баланд бўйли аёллар бундай матодан кийим киймаганлари маъқул. Кўндаланг йўл-йўлли кўйлаклар қадди-қоматни тўлароқ кўрсатади. Тўладан келган аёллар майда катакли кўйлакларни кийганлари маъқул.

«Хотин-қизлар энциклопедияси»дан олинди.



ҚАҲВА ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Форслар "қаҳва" деб аташади. Араблар "бунн" дейишади. Бу сўзларнинг маъноси қуйилган шароб, демакдир. Аввал Яман ва Шимолий Африкада пайдо бўлган. Қаҳвани Саудия Арабистонига, Ҳиндистонга ва ундан Америкага олиб ўтганлар. Бугунги кунда энг яхши навли қаҳвалар Бразилия, Колумбия, Аргентинада ўстирилади. Қаҳванинг 33 хили аниқланган. У янчилган ва янчилмаган ҳолда бўлади. Доналарини қовураётганда эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки устки қисми куйиб кетса, хосияти камаяди. Қайнатиб ичилганда марказий нерв системасига яхши таъсир кўрсатади ва кишилар кайфиятини яхшилайди. Бунинг сабаби унда кофеин моддасининг борлигидир. Таркибидаги бошқа моддаларнинг асаб системасига алоқаси йўқ. Қаҳва қон ҳаракатини ошириб, томир уришини тезлаштиради. Агар кўпроқ истеъмол қилинса, уйқусизлик ҳолатини вужудга келтиради. Аммо доимо ичишга одатланган кишиларнинг уйқуси йўқолмайди. Заҳарни, хусусан, тарёк ва наша заҳрини кесади. Кўк рангли қаҳва кўкйўтални ва ич кетишини қолдиради. Машҳур табиб Муҳаммад Закариё Розийнинг айтишича, қаҳва иссиқ, шунинг учун куйдирувчи ва чанқатувчи хоссага эга. Чанқовни қондириш учун қаҳва ичиб бўлгандан кейин бироз сирка истеъмол қилиш тавсия этилади. Меъдага ўрнашган балғамни қувади ва иштаҳани очади.

Қаҳванинг яхши хусусиятлари билан бирга ёмон томони ҳам бор. Уни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш тери рангининг бузилишига сабаб бўлиб, марказий нерв системаси ишига салбий таъсир кўрсатади.

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ЗЎРИҚИШГА ҚАРШИ

Ҳаммамиз шошқин аср фарзандларимиз. Шундай бўлгач, ҳар қадамда бизни аср касаллиги саналмиш — стресс, тушунарлироқ қилиб айтадиган бўлсак, зўриқиш таъқиб қилиб юрганини ҳис қилишимиз мумкин.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бу касалликка чалинмасликнинг энг яхши давоси, тўғри овқатланиш экан. Улар яна шуни алоҳида таъкидлашадики, инсоннинг овқат ҳазм қилиш фаолияти бевосита мия фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ўзига ёқадиган таом билан овқатланган одам ўзида кўтаринки кайфиятни сезади. Бундай ҳолатда асабийлик ҳам тарқаб кетади.

"Хафа бўлиб турган одам бироз муддат овқатланмай тургани маъқул" дейишади яна мутахассислар. Бундай ҳолатда ошқозонни зўриқтирибгина қолмасдан, бош мия фаолиятига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин.

Хуллас, касалликларга чалинмаслик ҳам ўз қўлимизда экан.

Шундай бўлгач, саломатлигимиз ҳақида ҳаммадан аввал ўзимиз қайғуришимиз керак. Соғлиқ, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир кишининг бойлигидир.

Кексаларимиз ҳар сафар дуога қўл очганларида энг аввало "тани сиҳатлик, хотиржамлик бер" деб ният қилишлари ҳам бежиз эмас-ку?

ҲУСНБУЗАРЛАРГА ҚАРШИ ВОСИТАЛАР

Ҳуснбузарлар, нуқта-нуқта ёки қора, тарикдек-тарикдек қорақўнғир рангда бўлади, булар ёғ безлари тешигининг бекилиб қолиши натижаси ҳисобланади.

Оқ ҳуснбузар тарикдек-тарикдек бўлади, қовоқларга, чаккага, юзга тошади. Оқ ҳуснбузарлар ҳам ёғ безлари йўлларининг беркилиб қолиши натижасида пайдо бўлади.

Ёғли теридаги ҳуснбузарларни доимо йўқотиб туриш керак. Бунинг учун юз ва қўл сувга дезинфекцияловчи нарсалар қўшиб яхшилаб ювилади. Кейин буғ ваннаси қилинади. Идишга 2 ош қошиқ мойчечак, мармарак (шалфей) ва турп илдизи солиб, устига 2 литр қайноқ сув қуйилади ва устини ёпиб 30 минут қўйиб қўйилади. Шундан сўнг дамламани то қайнаб чиққунича оловда тутиб турилади, сўнгра бирор идишга сузилади. Бошни катта сочиқ билан ўраб, юқоридаги қайнатма устига энгашиб, терлаш учун 10-15 минут турилади. Юзга сочиқни ёки докани босиб-босиб қуритилади ва ҳуснбузарлар сиқиб ташланади. Ҳуснбузарлар тошган жой йирингламаслиги учун уни яхшилаб, ҳеч нарса қолмагунча сиқиш керак. Терини тозалагандан кейин юзни мойчечакнинг иссиқ қайнатмаси билан ювилади, унга 1 чой қошиқ сариқ чой шарбати қўшса бўлади, шундан сўнг юзни тортадиган суюқлик билан артиб, тухум оқига бир неча томчи лимон шарбати қўшиб, юзга ниқоб қилиш керак, шунақа ҳуснбузарлар тошганда 10 процентли синтомицин эмульсияси билан боғлов қўйиш мумкин. Бир парча бинтни 3-4 буклаб, унга синтомицин эмульсияси суртилади ва ҳуснбузар ситилган жойга қўйилади. 2-3 ҳафта мобайнида ҳар куни кечаси шундай қилиш керак. Юзни ҳуснбузарга қарши суюқлик билан артса ҳам бўлади. У қуйидагича тайёрланади.

1. 4 чой қошиқ (10 г) натрий гипосульфит ва бурани бир стакан қайноқ сувда эритилади ва 1 ош қошиқ глицерин қўшилади.

2. 2,5 грамм аччиқтош ёки (квасцы жённые аптечные), 5-8 грамм гипосульфитин чорак стакан сувда ва 4 ош қошиқ арақда эритилади. Стаканда оғзи берк ҳолда сақланади.

Наргиза САДРИДДИНОВА тайёрлади.

"ИЗҲОРИ ДИЛ" ТОРТИ

Бу тортни тайёрлаш учун:

3 та тухум сариғи, 1 стакан шакар, 1 ош қошиқ сметана, 300 грамм юмшатилган сариёғ, 2 стакан ун, 0,3 чой қошиқ сода (лимон кислотасида эритилган) керак бўлади.

Хамир қорилиб, ёғланган ва ун сепилган қолипда пиширилади. Торт совугач, 2-3 кулча кесилади.

Тортнинг устини безатиш учун:

3 та тухум оқи, 0,5 стакан шакар упаси ва 0,4 стакан қуюқ мураббо ёки джем билан яхшилаб кўпиртирилган крем керак бўлади.



"НАПОЛЕОН-I"

Бу торт учун:

200 грамм сариёғ ёки маргарин, 5 стакан ун, 1 стакан сув керак бўлади.

Сариёғ ёки маргаринни қириб, сув қўшиб тайёрланган хамир ичига солиб, хамирни конверт шаклида буклаб муштланади.Бу ҳол сариёғ хамир ичига сингиб кетгунча такрорланади. Кейин тайёр масаллиқни бир неча қисмга бўлиб бир соатча совуққа қўйилади. Сўнгра кулчалар ёйиб пиширилади.

Торт устини безатиш учун:250 грамм сариёғни 1 стакан шакар билан эзиб, 0,5 банка қуюлтирилган сут, бир дона тухум, яна 6 қошиқ қайнатилган сут қўшилади. Крем кулчалар қатига суртилиб, совуққа қўйилади.

АЛБЕНА МОБИЛТЕЛ-2001

Болгариянинг Албена шаҳрида 4-14 февраль кунлари халқаро турнир бўлиб ўтади. Жамоалар 2 гуруҳга бўлиниб, мусобақалашадилар. 1-гуруҳ: "Крылья Советов" (Россия), "Осилек" (Хорватия), "Велбьжд-Кюстендия" (Болгария) Арманистон терма жамоаси. 2-гуруҳ: "Левски" (Болгария), Ўзбекистон терма жамоаси, "Ружомберок" (Словения) ва яна бир Болгария клуби.

ИТАЛИЯЛИКЛАР ТЕРИМНИ СЕВИБ ҚОЛИШДИ

"Галатасарой" клубига УЕФА кубоги ва суперкубокни олиб берган машҳур мураббий Фотиҳ Теримни туркиялик мухлислар жуда яхши кўришади. У Италига боргач, "Фиорентина" клубида аввалига ишлари юришмади. Ҳозир ҳаммаси жойига тушган. Мавсум якунланиши билан бошқа клуб тасарруфига ўтажак Терим "Ливерпуль" ва "Барселона" клуби вакилларининг таклифларига рад жавобини берди. "Мен ҳали Италияни тарк этмоқчи эмасман, чунки Италия скудеттосини дунёдаги энг яхши чемпионат деб биламан ва "А" серияси да иштирок этаётган клубларнинг бирига устозлик вазифасини бажариш жуда катта бахтдир. "Барселона" ҳамда "Ливерпуль"дек Европада машҳур бўлган клуб вакиллари менинг камтарона хизматларимни юқори баҳолаганларига ташаккурлар билдириб қоламан, дейди Фотиҳ Терим. Кўпгина букмекерлик идоралари туркиялик мутахассис "Милан" клубига бош мураббий этиб тайинланса керак, деб башорат қилмоқдалар.

ОКЕАН ОРТИДАН ОЛТИН МЕДАЛЬ

Америка шаҳарларидан бири—Планеда спорт гимнастикаси бўйича халқаро турнир якунланди. Якка ҳолдаги таклифномаларга кўра, 10 мамлакатдан ташриф буюрган маҳоратли спортчилар ичида ўзбекистонлик О.Чусовитина ҳам бор эди. Гарчи узоқ муддатли танаффусдан сўнг бундай юксак даражадаги беллашувда илк бор иштирок этса-да, океан ортидан Ўзбекистонга олтин медаль билан қайтди.

ПОРЛАЁТГАН ЮЛДУЗ

Жиззах шаҳридаги 3-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси Юлдуз Ҳамроқулова номи бугун кўпчиликка таниш. Юлдуз мактабда аъло баҳоларга ўқийди. Шахмат ўйнаш эса унинг энг севимли машғулоти ҳисобланади. Юлдуз шахмат бўйича аввало ўз мактабида, сўнгра шаҳар, вилоят миқёсида ғолиб бўлди. 1999 йилда Самарқанд шаҳрида шахмат бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида энг юқори ўринни қўлга киритиб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шундан сўнг, шахмат бўйича икки йил давомида Испанияда ўтказилган жаҳон чемпионати ва Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. Юлдузга умидли фаолияти туфайли Президентимиз совғасини олиш ҳам насиб этган.

Айтиш жоизки, Юлдузнинг юлдузли онлари ҳали олдинда. У ҳали жаҳон миқёсида мамлакатимиз шарафини кўп бора муносиб ҳимоя қилишига ишончимиз комил.

МУХБИРИМИЗ

ДЕМЕТРАДЗЕ ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ

"Реал-Сосъедад" клубида МДҲ вакиллари кўпайиб бормоқда. Россиялик Хохлов ва литвалик Янкаускаслар сафига қўшилган "Динамо" (Киев)нинг грузиялик футболчиси Георгий Деметрадзега испанияликлар катта умид боғлашган эди. Деметрадзе ҳали майдонга тушмасдан машғулотларнинг бирида қаттиқ жароҳат олиб, тахминан 2 ойларга сафдан чиқди.

QUTLOV

Муҳтарама Маҳфуза Қосимова!

Сизни 55 ёшингиз билан жамоамиз номидан чин дилдан қутлаб, Республика таълим марказининг услубчиси сифатида қилган эзгу ишларингиз барчамиз учун ҳаётий сабоқ бўлганини, тажрибаларингизни давом эттиражагимизни билдирамиз. Яқинларингиз бахтига соғ бўлинг. Ҳаёт қувончлари ҳамроҳингиз бўлсин.

РТМ жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси.

Меҳрибон устоз ва азиз онажонимиз Олтиной Боймирзаева!

Муборак 50 ёшингиз билан қутлаймиз. Чироқчи туманидаги 1-мактабда олиб бораётган эзгу фаолиятингизга ривож тилаймиз. Танингиз соғ, вақтингиз чоғ бўлиб, узоқ умр кўринг.

Ҳамкасбларингиз ва оила аъзоларингиз.

ЭЪЛОН

Очиқ Жамият Институти—Ўзбекистон Кўмак Жамғармаси Олий таълимни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида

ЎҚУВ КУРСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА ТРЕНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар бериш учун сўнгги муддат: 1 март

Тренинг мақсади — республика олий ўқув юртларидаги ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари соҳасида мазмунан ҳамда таълим бериш методикасини инновацион янги ўқув курсларини ишлаб чиқишга ўқитувчиларни тайёрлаш, шунингдек янги ўқув дастурларини тарқатиш ва республика ўқитувчиларининг касбий алоқаларини йўлга қўйиш.

Ариза берувчилар "Ўқув курсларини ишлаб чиқиш" дастур доирасида, бир-икки семестрга мўлжалланган, ўрганиш предметини янги истиқболда кўрадиган, қуйидаги муаллифлик ўқув курсларини ишлаб чиқиш учун тренингда қатнашишга таклиф этилади: кириш, шарҳлов ва махсус.

Семинарда қуйидагилар қатнашиши мумкин:

- ✓ **Республикадаги олий ўқув юртлари ўқитувчилари**
- ✓ **Илмий тадқиқот институтларининг илмий ходимлари**

Қуйидаги ўқув фанлари бўйича аризалар бериш мумкин:

- ✓ **Социология**
- ✓ **Фалсафа**
- ✓ **Иқтисодий назария**
- ✓ **Сиёсатшунослик**

Ариза берувчилар ОЖИ-КЖга қуйидаги маълумотларни киритиб, ариза тақдим этишлари керак:

1. Аризачи ҳақидаги алоқа информациялари (И.Ф.О, уй манзили, иш жойи).
2. Маълумоти
3. Иш тажрибаси (ҳозирги иш жойи, лавозими)
4. Илмий қизиқишлари соҳаси (фалсафа, социология, сиёсатшунослик, иқтисодий назария)
5. Сизни қизиқтирган ижтимоий фанлар бўйича ишланадиган ўқув курсларининг муаммолари ва аспектлари тафсилоти /Тренинглар пайтида Сиз муҳокама қилишни хоҳлармидингиз?
6. Сиз ишлаб чиқмоқчи бўлган курс тафсилоти. Курс мавзусини танлашингизни (икки бетдан ошмасдан) асосланг. Курс мавзусига таъриф беринг. Мазкур курснинг зарурлигини кўрсатиш учун ўзингизнинг олдинги тадқиқотларингиздан мақолалар ва бошқ. (имконият бўлса) фойдаланинг.
7. Мазкур курснинг олий ўқув юртининг мавжуд бўлган дастуридан фарқли томонларини ва яратилажак дастурга қандай сингиб кетишини ёзма баён қилинг. Сизнинг курсингиз мақсадига таъриф беринг, намунали иш режаси ва қисқача библиографияни илова қилинг.

Тренингда иштирок этиш учун ОЖИ-КЖ аризасини тўлдириб, унда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилиш зарур.

Тўлиқ бўлмаган ва кечиккан аризалар кўриб чиқилмайди.

Ғолиблар семинарда иштирок этиш натижалари ҳақида **5 март 2001 йилгача** хабардор қилинади.

Ариза формаси қуйидаги манзилдан олинади:



Тошкент 700031. Зарбоғ (олдинги Роза Люксембург) кўчаси, 31-уй. Очиқ Жамият Институти—Кўмак Жамғармаси, Олий таълимни қўллаб-қувватлаш дастури. Факс: (71) 120-68-54, тел: (71) 152-27-41, 152-39-15; e-mail: Zulfiya @ osi. freenet.uz

КИНОЧИЛАР КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Бугунги кунда халқимиз ўзининг Артури, Муҳаммадқодири, Иродахонлари сингари спортнинг ёркин юлдузлари билан ҳақли равишда фахрланадилар, олам-олам маънавий завқ оладилар.

Тошкент шаҳридаги ўқув муассасалари, жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув даргоҳларида ҳам спортга алоҳида муносабат билдирилмоқда.

"Соғлом авлод" давлат дастури мазмунидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Республика маданият ишлари вазирликлари тасарруфидаги 6-зонага кирувчи ўқув юртлариаро мусобақалар Тошкент кинотехникуми спорт ўйинлари мажмуасида старт олди.

Спортнинг волейбол тури бўйича ўтказилган 2-босқич якуний финал мусобақасида Тошкент кинотехникуми ҳамда Юнус Ражабий номидаги педагогика билим юрти майдонга чиқдилар. Қизғин, муросасиз ва кўтаринки руҳда ўтган мазкур финал учрашувида 2:1 ҳисоби билан Тошкент кинотехникуми волейболчиларининг қўли баланд келди. Улар навбатдаги босқич шаҳар миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

6-зонада спортнинг волейбол тури бўйича ўтказилган мусобақаларда Тошкент маданият техникуми волейболчилари эса учинчи ўринни эгалладилар.

Алижон ТУРСУНМАТОВ

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси, институт "Учиш аппаратлари деталларини ишлаб чиқариш технологияси" кафедра мудири, профессор К.Усмоновга онаси

ШАРИПАХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради ва чуқур таъзия изҳор қилади.

Muammonomani yeching, bobomiz Navoiyning yana bir hikmatidan bahramand bo'lasiz!

"ALISHER NAVOIY YILNOMASI"

(AYLANMA KROSSVORD VA MUAMMONOMA-TEST)

Quyida izohlari bayon etilgan mutafakkir shoir Alisher Navoiyga taalluqli sanalarni shaklda belgilangan xonadan raqam atrofiga yozing.

1. Alisher Navoiy tavallud topgan yil. 2. Maktabga bora boshlagan va bo'lajak podsho Husayn Boyqaro bilan do'stlashgan yil. 3. Ota-onasi bilan Iroqqa ko'chgan va buyuk tarixchi Sharafiddin Ali Yazdiy bilan uchrashib, uning duosiga musharraf bo'lgan sana. 4. Taft shahridan Hirotga qaytib kelib, o'qishni davom ettirgan yil. 5. Otasi Fiyosiddin Kichkina Abul Qosim Bobur saroyida xizmat qila boshlagan sana. 6. Alisher Mashhadga o'qishga ketgan yil. 7. Abul Qosim Bobur vafot etgan, Abu Said Mirzo Hirot taxtini egallagan va Alisherni saroyga ishga olgan yil. 8. Alisher Abdurahmon Jomiy bilan tanishib, umrbod davom etgan do'stlik munosabatlari boshlangan sana. 9. Navoiy Samarqandda o'qiy boshlagan va mashhur olim Fazlulloh Abullays singari yetuk donishmandlardan ta'lim olgan yil. 10. Husayn Boyqaro Hirot taxtini egallagan, Navoiy saroyda muhrdor etib tayinlangan yil. 11. Navoiy vazirlik rutbasiga tayinlangan sana. 12. Alisher Navoiy vazirlikdan iste'fo berib, badiiy ijod bilan shug'ullana boshlagan yil. 13. "Xamsa"ning ilk dostoni "Hayrat ul-abror" yozilgan sana. 14. "Farhod va Shirin" hamda "Layli va Majnun" dostonlari yozilgan yil. 15. "Sab'ai sayyor", "Saddi Iskandariy" dostonlari va "Nazmul-javohir" asarini yozgan yil. 16. Husayn Boyqaro Navoiyni Astrobod shahriga hokim etib tayinlagan sana. 17. Navoiy "Tarixi mulki Ajam", "Tarixi anbiyo va hukamo", "Sirojul-muslimin" asarlarini yozgan yil. 18. Shoir Astroboddagi ikki yillik hukmdorlik ishlaridan Hirotga qaytgan sana. 19. "Holoti Sayyid Hasan Ardasher" asarini yaratgan sana. 20. Shoir "Risolai muammo" ("Mufradot") asarini yozgan yil. 21. Navoiyning zamondoshlariga yozgan maktublaridan iborat bo'lgan "Munshaot" asari dunyoga kelgan sana. 22. Shoir tomonidan "Xamsatul-mutaxayyirin" asari tugallangan yil. 23. "Holoti Pahlavon Mahmud" va "Nasoyimul-muhabbat" asarlari yozilgan sana. 24. O'zbek tazkirachiligiga asos bo'lgan "Majolis-un-nafois" asari mukammal tuzilgan, «Xazoyinul-maoniy", "Devoni Foniy" asarlari tugallangan yil. 25. "Lison-ut-tayr" "Muhokamat ul- lug'atayn" asarlari kitobi yakunlangan sana. 26. Poytaxtimizdagi Alisher Navoiy nomidagi opera va balet teatri tashkil etilgan sana. 27. Ustoz akademik adib Oybek "Navoiy" romanini yozgan sana. 28. Dramaturglar Uyg'un va Izzat Sulton ijod etgan "Alisher Navoiy" dramasi yaratilgan sana. 29. O'zbekistonda "Navoiy yili" deb e'lon qilingan va poytaxtimizda milliy bog' tashkil etilib, Alisher Navoiyga haykal o'rnatilgan sana. 30. 1989 yilda ta'sis etilgan adabiyot, san'at va me'morchilik sohasidagi yorqin va sermazmun asarlar uchun beriladigan Alisher Navoiy nomidagi davlat mukofotini berish tartibi takomillashtirilgan yil.

MUAMMONOMA

Avvalo, Alisher Navoiy merosiga mansub, quyidagi hikmatli satrlarda keltirilib raqamlarda ifodalangan so'zlarni topib, ochqichni hal eting.

1. Er kishiga zebu ziynat 18,1,8,6,3,23 va donishdur.

2. Ko'p demak so'zga mag'rurluq va ko'p yemak nafsg'a 6, 3, 11, 6, 12, 13, 2, 12, 20.

3. 15,1,5 so'z mo''tabar,
Yaxshi so'z muxtasar.

4. ...Dushman firibin yema,
Va maddoh xushomadin 22,19,6,3.

5. Adl ila olam yuzin obod qil,
Haq ila olam 14,2,1,5 shod qil

6. Gar 1,17 g'ayri mavqi'da mavjud erur,
Kishi har nakshi qildi, mardud erur.

7. Bir deganni ikki demak 16,24, 9 emas,
So'z chu takror topdi dilkash emas.

8. Yaxshi ishlaringga to'lsin bu jahon,
Noming yer yuzida 7, 10,2,4,1,5 ko'p zamon.

9. Kimki bilay desang maqoling tingla,
Aslin desang anchayin 21,3,10,2,1,5 angla.

Endi shaklning atrofi va ichki qismidagi aylanalar xonalaridagi raqamlarni ochqich javoblaridagi taalluqli harflar bilan almashtirib muammonomani yeching. Ulardan soat mili yo'nalishida o'qish bilan Alisher Navoiy qalamiga mansub to'rt misrali yana bir hikmatni bilib olishga muvaffaq bo'lasiz.

Foziljon ORIPOV tuzdi.

Gazetamizning shu yil 27 yanvar sonida berilgan: "QUSHLAR OLAMI"

Krossvord-chaynvord testning javoblari:

ENIGA: 4.Marmaro'rdak. 7.Qarqara. 8.Yilqichi. 10.Kakku. 12.Bedana. 13.Qizqush. 14. O'rdak. 15.Chag'alay. 19.Oqqush. 23.Xo'jasavdogar. 25.Birqozon. 27.Jiblajibon. 28.Bulbul. 29.Haqqush. 32. Tuyaqush. 36.Qorabuzuv. 37.Pat. 38.In. 39.Kaklik. 40.Lochin.

BO'YIGA: 1. Qirg'iy. 2.Gagara. 3.Laylak. 5.Kaptar. 6.Miqqiy. 9.Tentakqush. 10.Kakadu. 11.Furrak. 14.Qarg'a. 15.Kagu. 17. Sa'va. 20. Ukki. 21. Qanot. 22. Boyo'g'li. 24. Ilonburgut. 25. Burgut. 26. Qarqunoq. 30. Qoravoy. 31. Qashqaldoq. 33. Achami. 34.Matrap. 35.Kuz. 36.Qumri.

CHAYNVORD

41.Zarg'aldoq, 42.Qaqnus. 43.Suvbulduruq. 44.Qorayalaq. 45.Qaldirg'och. 46.Chittak. 47.Kurkinak. 48.Kanareyka. 49.Ang'irt. 50. Torg'oq. 51. Qorakalxat. 52. Tustovuq. 53.Qiziloyoq. 54.Qorashaqshaq. 55. Qizilqanot. 56. Tovuq. 57.Qafas. 58. Sassiqpopishak. 59. Qurchalak. 60.Kurka. 61. Albatros. 62.Semurg'. 63.Foz.

MUAMMONOMA

I.To'rg'ay. II.Chug'urchuq. III.Chumchuq. IV.Kolibri. V.Boltayutar. VI.Loyxo'rak. VII.Ko'kqarg'a. VIII.Turna. IX.To'ti. X.Tuvaloq.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ(масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари таҳририятда терилди ІВМ компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШЕВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи: Ҳусан НИШОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2117. Тиражи 38.273.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00